Ҳатточки Фирдавсий ҳам боқарди сенга ҳайрон.

Ва лекин шу Фурсатда қелбимда ҳасрат билан
Ўзбегим діёреннинг кемишишни ўйлайман.
Мен бу күн дўстларимга афсус, надомат билан
Ерга вўл қадамаган амирлардан сўйлайман.

Менинг манғит элимдан ўйқучи Саид Олим,
Чўл ошиб Хисор томон чиққани маҳал йўлга
Жиловдори бўлмаса ютган тортмаган золим
Қайси ҳафсала билан сув чиқарсан бу чўлга!



Шу бөйсдан саҳронинг қалбидан бир гүр ётар,
У менинг бобом қабри, қизимнинг бобожони.
Хар ўтганда рұхымга туганимас қайту ботар,
Қултум сув ҳасратида узилган йитит жони.

У бир замон қудукнинг тубида қолган экан,
Сув күзин очай деса — босқиб қолибди тупрок.
Шум ажал бояқшынинг поқидан ғалган экан,
Тұгерироги — мұхжетлик дастаның қырқан күпрок.

Мен бу күн саҳар өтгі, заррин қүешін бояқб,
Шу шүрлік аждадимнинг номини шеърга солдим.
Масканин ёртимоққа қалбимда шұлья әқиб,
Лавда ёдин битмоққа тунлардан сиёх олдим.

Мен унинг набиразас, құлымда қалам билан,
Қалбимда алам билан пойға құйдим қадам.
Уннинг-ку иши үйқидир бу тирик олам билан,
Лекин орзус бор-ку, ишт топмас-ку барҳам.

Ха, қудуклар тубида күмиліб кетмас армоп,
Хар қандай заволнинг ҳам бордир сүйгі, ҳудуди.
Қабрлар тепасида ёнган үт ҳам бегұмон
Биронта үйсик қалбнинг чақнаёттан умиди.

Бу жойлар обод бұлар албатта эрта-индин,
Гүристон гүлстондік, Мұхыммій айттан мисол.
Лекин ўтган боболар бу ишиң билармаккин,
Билармаккин, теграсын құршағ турғаннан иқбол!

Бу күн боболар рұхи, орзуси чаппор урар
Менинг азamat юртим — ўзбекнинг саҳросида.
Ҳазрати Ҳизр эмас, Жайхұннинг саси юрар,
Саксовул босиб ёттан چүлларнинг маъвосида.

Мен-ку шеър ёзмасам ҳам саҳроларга сув чиқиб,
Шу буюк мамлакаттың обод бўлиши тайин,
Лекин она ҳалқимнинг ўтмишига кўз тикиб,
Келажаги ҳақида ўй сурғим кеплар майин.

Иложин топса агар, кетмөннинг дастанин ҳам
Ерга қадаб, термуліб, кўқартыргучи бу ҳалқ,
Жазм этса юқка бўяр жаҳон ҳаритасин ҳам,
Бўғун чўлга чиқиби, ишти топсин барҳақ.

Бўғун у Жайхұн сувин келмоқчи чўлга бошлаб,
Жайхұн бу — ўз ҳалқимнинг ўз армопи, дунёси.
Ярашмас бу дарёга ўтирансан қармоқ ташлаб,
Жайхұн бу кучга тўлган Ватаниннинг дарёси.

Мен унинг бўйлариди ўйларга толдим узоқ,
Кирговул ҳонниң қылган тўқайларга бурдим юз.
Бир томон Туркман эли, бир томон Қорақалпоқ,
Е насиб, деб Жайхұнга чўнка тушиб тиккан кўз.

Дарё-чи, шамшир каби ялтираб ётар дарё,
Тушовидан бўшалган от каби чолар сарсон.
О, сен дарбадар дарё, о, сен серхатар дарё,
Бунчалар вазиминсану бўнчалар кўв, ўжарсан!


Сен қайга ҳовлиқасан эрта-кеч билмай тиним,
Сен қайга ҳовлиқасан, беканору кўр, басир!
Азизим, бу дунёда ўйл юрсанг үйқидир кўним,
Азизим, ўжарларни ёқтирипас бизнинг аср.

Мен сенинг висолингни кўргани келдим атай,
Мавжаринга қўшилиб жўша билмадим бироқ.
Сен билан сұхбат куриш кўлнимдан келмас нетай,
Сен буюк бир наҳрсан, мен бўлсан оддий ирмоқ.

Ха, дайр денгизида якка инсон — зарра қум,
Замонлар соатидан ўтар у қатор-қатор.
Лекин сен борсан, Аму, денгиздай теран рұхим,
Лекин сен борсан, ҳалқим, кўнрагим Помирча бор.

Помирдай юксакликдан теграмга бўқасм агар,—
Қўзимга кўрингандир Ватаним, она ҳалқим.
Уннинг-ку кучогига чўллардан қолмас асар,
Абадий музликлар ҳам гул очиб кетар балким.

Чунки дастурин берди ҳалқимга буюк замон,
Буюкликтан буюклик тугилиб келган доим.
Сен ҳам шу буюк элда яшнай бер, доим шодон,
Эй, сен азamat ҳалқим, эй сен туғилган жойим!



Утган беш йилликнинг зарбордor курнишларидан бири — Навой киме комбинатининг учинчи навбати муддатидан илгари ишга туширилди. Бу беш йиллinda қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари юз минг тонналаб қўшимча минерал ўгит оладилар. Комбинатда КПСС XXIV съезди шарафига социалистик мусобақа қизиб кетди.

А. ГОРОКРИК фотолари (ЎзТАГ)



СОЙ ТУТИЛТАН КЕЧАСИ

ВОҚЕИЙ ҚИССА

Воқеанинг шишироқчысы азиз онамга бағышлайман.

Неъмат хүфтонга яқын қайтди. Эшик-дан кириши билан онаси уни имлаб өткірди. Неъмат «Нима гап?», деб, югуриб келган эди, Норхол бувы супра тагидан иккى бүкілгөпкөн көтөрді.

— Бир бола ташлаб кетди,— деді она, бе- зовта қараб.

Неъматининг кичкина синглиси Муборак она- сининг елкасига мимоқи бўйли сакрар, каталарнинг чехрасидаги саросимани пайқамас эди.

Муборак эшикка суюнгана хат ўтиётган акасига ёпиши, «Нима олиб келдингиз?», деб чўнганинг көвлай бошлади.

Неъмат синглисиға бегонадай бўр қараб кўйдид-да, уйга шошиб кириб, тинни елкасига ташланаған тез қайтиб чиқди:

— Ой, мен кўчага чиқиб келаман.

Норхол буви ун юқу кўлларини сочиқа артиб, ўллининг орқасидан қараб қолди. Яна нима ташвиши? Бу хот ўлтурда бир гап бора- га ўшайди. Тиниб-тинчимади бола бечора...

Неъмат арик бўйданда хәбл сурб боради. Куни кечаги кордан кейин тушган соғуз да- рактарнинг барганин кўжатиб кетган, енгил шамолга ҳам улар дуб тўклиб, куз кечасини ваххамли кўрсатар эди. Ези билан ҳам- мага ором баҳш этган анҳор суви энди заҳ ҳавони олиб келиб юзга уради, баданин жун- житади. Терап уйидаги қарғалар галаси корон- гида ҳам безовота, тоҳ бирдан гувуллаб учиб, кейин янга келиб бараварига терракка ёнрилди. Осмон тоза. Ой ҳали қалқмаган. Бугун ке- часи ой тутилади. Физика муаллими кечака ячайкага келиб: «Билиб кўйинглар, ваххама бўлмасин, одамларга тушунтириш керак», деб тайинлаш кетган эди. Ваххамаси нимаси? Қизик воқеа-ку! Неъматининг диле ког эди.. Ҳозир ўша хурсанлиги қўнгидирилди.

Кимидир арик бўйдан шу томонга келмоқда. Неъматининг хәбли бўлниди: ким бўйди экан?

— Семиндин, Неъмат, йўл бўлсин!

Неъмат овоз эгасини таниди. Карим батрак- нинг ўғли, руҳонийларнинг гапига учк, «Хоти- нимины очмайман», деб туриб олган Камол. Яна шундан гарди.

— Сизлар мени шарманда қўлмоқчисиз- лар...

— Ким кимни шарманда қўлмоқчи? Ўлаб қара-чи!

— Узининг аклим йўқми, йигит эмасман- ми? Ўйланганинг ўзингин ҳам кўрармиз. Кайси эрек хотинини кўча-кўйда бирорларга кўз-кўз қилиб қўяр эмиш!

— Сен бир камбаганнинг боласисан, наҳот- ту тушунмассан! Хотин-қизлар озодлигига қар- шимисан!

— Менга бунаңдан айб қўйлайсан, хуку- матга доим раҳмат дейман, менга ер берди, сув берди. Лекин нима қилсанг қил, хотиним- ни очмайман, ячайка бўлсанг ўзингига!

— Тушунуб қоласан, бугун очмасанг, эрта- га очасан.

— Очмайман, эртага ҳам, кейин ҳам...

— Маҳли. Кейин бафуржа гаплашармиз.

Неъмат ўйлига кетди. Камол унинг ор- қасидан қараб тўнгиллади:

— Кейин нимани ҳам гаплашардик, гап бит- та: ишнинг арашалманглар. Биласанки, мен ҳеч нарсадан қайтмайдиган одамман!

Неъматин эшик олдида Мурод кутиб олди.

— Келинг, Неъмат ака, адам сизни кутиб ўтирибдиляр.

— Менда нима ишлари бор экан?

— Билласам.

— Хатни сен олиб борганимидинг?

— Қанақе ҳат?

Неъмат индзамиди. Демак, Мурод бехабар.

Улар ўйга кириб боргандарида Қодиркул ақаннинг хотини Назокат лағмонни човли билан катта тогорага ағдараётган эди. Неъмат келин- ойисига салом берди кўзин билан Ойдинни кидириди. Ойдин кўпинча ошхонада, опасининг ёндида бўларди. Лекин бу сафар кўримиди.

Шу вақт мемонхўядан чиқкан Қодиркул ака нимадир деб мингиллади. Неъмат амаки- сига салом берин, унинг орқасидан иккаки уй- га кириди. Бозиллаб турган танчага ўтиришиди.

— Дарров танча ҳам қилибсизлар-да?

— Қариплик, сал соғук бўлса бел-оёғим қақшаб оғриди,— деди амакиси.

Кейин индамай қолишиди. Орада нимадир бор эди.

— Бу, дейман, Неъматин, яна нима галва- ларни бошлайсанлар, одамларнинг оғзида ҳар хил гап?

— Мени чиқраган эдингизими, амаки? Бу хатни сиз юборган эдингизими?

Назокат кириди. Неъмат билан яна бир марта ҳол-аъзол сўрашиб, сандалга дастурхон ёзи- дида, катта баркаш кўйди. Кейин иккита- сада лағмон олиб кириди, точкадан сирка олиб кўйди, амаки-жизнинг ноҳия ўтиришидан безовота бўлиб, «Совин қолмасин, олақолинг-лар» деб чиқиб кетди.

Неъмат «Ойдин қаерда?», деб сўрамоқни бўлиб оғиз жуфтадигуно сўрамади. Бу одам тўғрисини айтмаслигини биларди. Ўртага сукунат чўйди. Үнғайсизликдан кутулиш чиқкан Қодиркул Неъматин овқатга таклиф қилиди, ўзи шапиллатиди ез бошлади.

— Амаки, сиз нодон одамларнинг гапини кўйинг,— деди Неъмат.— Биз галва бошлаёт- ганимиз йўқ. Авларни савод чиқариш макта- бига беҳават қиялимиз.

— Уларни ўтиқиб нима қиласизлар?

Неъмат Қодиркул билан мунозара қилиши- ни фойдасиз деб биларди. Койсар амакисига ҳеч қаочан гап ўтирилган экас. У ҳамма гапни тушунгандек бўлардиди кейин барбири янада барди.

— Ойдинни мактабга юбормайман, мендан хафа бўлсанг бўлақол, келининг ҳам кўн- майди.

Қодиркулнинг бу гапи ҳам Неъмат учун янгилини эмасди. Амакиси шунача, товлангани товланган.

— Ўзи қаерда?— деб сўради Неъмат.

— Тошкентда, тоғасинига кетган.

— Ойдин маҳлисига ҳам қатнашмай кўйди, ахир у комсомол аъзоси, дўстлари нима дей- дид?

— Билмадим.

Қодиркул совиб колган чойдан пивлага қўйиб ичди-да, юзига фотиҳа тортиб ўрнидан турди.

У бугун жуда ғалати. Неъмат пайқаб турибди: дам оқарди, яни титрайди, кўли қаптириди. Гоҳо ҳаёни бошқа ёқса оғиз гапни тушумайди.

— Бўлмаса энди менга рухсат,— деди Неъмат.

— Қаёқка? Йўқ, йўқ...

— Ўйга, ойим хавотир олиб ухламай ўти- ради.

— Ётиб қоласан, алламахал бўлиб қодди. Сен шу маҳалда ҳеч қаёқка юбормайман...— Қодиркул яна докадай оқарди, кўзи бежо эди. Негадир бақириб Назокатни чакириди.

Назокат ўйку аралаш кўзларини ишқалаб тахмондаги кўрпаларни ағдариб жой сола бошлади.

Неъмат келинойисига разм солди. Унинг ҳам ранги сўргин, маъюс. Тарс-турс қилип юришидан, эри билан ўтрасида бирор гап ўт- ганга ўшайади. Қодиркулнинг ҳаёни ҳам жойда эмас, юриши-турнишда, сўзларида вахима, дармонисиз, сунъийлик сезилиди. Ажабо...

Ойдин Тошкента ўзи кетганимиди? Балки амакиси мажбур қилиб юборгандир? Келиб-келиб шу бугун кетидими?.

Келиноги ўйнинг ўтрасига тўшак солди, устига лас кўрпа тўшаб, иккаки бўларни кўйди. Танча устидаги чойнан-пивланни йиғиштириб, катта баркашни деворга тиради. Чирокнинг пилигини пасатириб чиқиб кетаётганида, Неъмат сўраб қолди:

— Ойдин Тошкента кетидими?

— Ҳа, бир-инки кунга,— деди маъюс оҳангда келинойиси.

Неъмат ухлэлмади, юраги сиқилиб эшикка чиқди. Музек шабада. Қора соғув. Ер музла- ган. Баркашдек бўлиб ой кўтарилимоқда. У гоҳо кўриниб, гоҳо булулгар орасига кириб, кинши-кўнглини ғаш килар, атрофни қоронилик босар эди. Тўлин ой тутилганида одамни вахима босса керак. Ҳали иккаки соатча бор шекилли.

Неъмат боғ шизини очиб ташкерағи чиқди. Шиддабид оқётгандан анҳор ой нурда жилва қиларди. Қаердадир бойўленинг соғув товуши эшилтиди.

Неъмат кечаси билан кўп нарсани эслади. Бугун раёном бюросининг мажножи- сидан кейинги сўнгни суҳбат унга дадла берарди. Секретарь уни атайлаб олиб қолиб гаплашди. Ҳабиб Аълоев ажойиб одам, асл йи- гит.

— Ҳўш, Неъматин, эртанги митингга тай- ёрмисизлар?— деб сўради у.

— Ячайка бюросида ҳаммасини кўриб чиқ- дик, байрам килиб юбормасиз, хотин-қизларимиз учун тарихий кун бўлади!— деди Неъмат ҳам.

Секретарь бир оз ўйланб турди. Аста ке- либ Неъматинни елкасига кўйини кўйди:

— Яхши. Аммо эҳтимол бўлинглар. Бу исха- карши душманлар, ҳам, улар пайтойлаб, ҳар қадамда обғимиздан чалишга тайёр.

— Лекин биз бўш келадиганлардан эмас- миз, Ҳабиб, оқримизда қўйумат бор.

— Бу тўғри! Айтганда, менга қара, эши- тишимича авази Зокир бойвачча атрағига яра- масларни тўплаб, бўлар-бўлмас миш-мислар таржидат юрганиши. «Қараб турларинг, янида еримизни кайтариб оламиз», деб дехонларни кўркитиди...

— Мен ҳам эшилтидим, лекин ҳали энди уларга эргашмайди. Куни кечайка Зокир бойвачча Камонлигига ҳам бориб ялатилик билан гаплашаган экан, Камол бўш келмади. «Сенларнинг кунинг битган, овора бўлласан!», дебди.

— Аълоев ўйчан жилмайди.

— Ҳалқ бўш келмайди, лекин яраланган

йирткىч сүнгги бор күч түплаб, тишилаб қолмокىچ. «Ха, эхтийт бўлайлик. Инкобилой ҳушерликин кўздан бермайлик, яхши одамларни мисбут бўлмасин. Узинга ҳам эхтийт бўл. Уларнинг сени ҳам кўярга кўзи йўк. Аёлларни бехаёлника сен бошлаётган эмислан...

Невъмат кудли. Секретари давом этди:

— Мана ҳалиги ўзинг айтган Камлони олиб кўр, ўзи камбагал батрак боласи, отасининг умри бойининг эшигига ўтиб кетди, чойхонага чиқиб олиб кўчилини олдида: «Хотинимни очиб кўришинчи, аввал ўша Невъматни, кейин хотинимни ўлдирдраман, дебди.

— Майли, Ҳабиб ака, нима деса деяверсин, ноҳаи иш килдатанини бир кунмас-бир кун ўзи билб օлади. — Невъмат очиқ деразаден узоқларга тикилди.

— Хар холда одамларнинг иззат-нағисига тегмасдан оқилона иш тутиш, ҳалиқа ҳукуматимиз сиёсатининг туб мөҳиятини яхшилаётган тушунтириш керак. Комсомол-шарлар дехонлар кузурига бориб, қилдатан ишларимиздан уларни хабардор қилиб туришса яхши бўлар-ди.

— Хотиржам бўлинг, Ҳабиб ака, комсомолар ишончнингизни оқлади. Деворий газетани ҳам чиқара бошладик, кечкүрунлари чойхонада баланд овоз билан тазета ўқиши ташкил этди.

Районкем секретари қўнғироқни босган эди, ёрдамниси кирди.

— Невъматиконни уйигача кузатиб кўйиб, кеин тезда қайтиб келинг, — деди.

— Йўй-эй, Ҳабиб ака, ҳали барвақт-ку, ўзим кетаман, сиз ҳам жуда вахима бўлиб қолбисиз.

— Кани, бўлди, гап тамом, жўнанглар! — деди секретарь.

Ажойиб одам, асл йигит.

Невъмат уга қайтиб кирганида амакиси токчадан нимадир қидираётган эди. Кейин у, излаган нарсасини тополмади шекилли, нималардир деб тўнгилади-да, Назокатни ношуудлика бирлаб чиқиб кетди. Невъмат тўнини елкасига ташлаб ўринга ўтириди. Курсиди милитлаб турган чирокнинг пилигнини бир со кўтарып, унинг хира нурига тиклагчани яна узок хәлбиг чўмди.

Эҳе, ҳаётининг ҳаҳри жуда каттиқ-э. Канча азоб-уқубат, жанг билан янги дунё бунёд этилди. Гоҳ яхши-яши одамлар курбон бўлалди. Куни кечак «Ўзизил Узбекистонда хабар чиқди: бир бечора кизни конга бўлашибди. Шу қишлоқнинг ўзидағига воеалар-чи? Ўқитувчи Муртазони бекордан бекорга пичоқлаб, заҳ ариқ бўйига ташлаб кетишагина бир йил бўлгани ўйк. Зимдан иш қилдиган одам ҳафли бўлади. Невъматлар ҳали ҳам ёмон ишлашибди, душманга муроса, бъазан раҳмдиллик... Ҳаммасига барҳам бериш керак!

Этрага митинг бор. Невъмат ҳали сўзга чиқшига ҳам тайёр эмас. Нима деса экан, ҳадай бошласа?

Невъмат фикрини бир жойга тўплалмади. Ҳаёли Ойдинга айланниб келаверди. Уни ҳам митингга олиб бориши керак. Энди қаэрдан топади? Биринчи бўлиб пароҳисини ўтга улоқтироқчи эди. Унинг Тошкентга кетиб қолганини қандай тушуниш керак? Бу амакисининг нағарнаги эмасмиカン? Келинноиси ҳам бир нимадан норозига ўхшайди, ковоги солик. Бу ишларга араплашмаганини билдириқчими! Амакиси нодон, душманинг ногорасига ўйнайти. Унинг қимлишларидан Невъмат буш кўтариб юролмай қолди. Ойдин бўлмаса, шу амакисинига кадам ҳам кўймасди.

Бугун-чи, кемласа бўлмасди, нега ётиб қолди, зарурмиди? Ўйда тинчнинг ётса бўлар-ди-ку?

Невъмат ўчоқ бошида мунғайб ўтирган онаси, самовар ёнида ғингшиб ўтирган синглиси эслади. Нима учундир эти увушшиб, юраги баттар ғаш бўлди.

Амакисининг бирор гали бор эди шекилли, нега айта колмади? Ахир Невъмат унинг ўлидек бўлиб қолган, ҳали куёви бўлиб қолса ҳам ажаб эмас.

Невъмат ўйкиси кочиб ширин туйғуларга гарқ бўлди. Ойдин билан биринчи учрашган дамларини эслаб кетди.

Ойдин... Невъматнинг ҳаёти, борлиги, севгилисини Қандай қилиб унга асир бўлиб қолганини ўзи ҳам билмайди.

Ойдин Кодиркулнига уч яшарлигида

келган. Онаси тўсатдан вафоғ этгандан кейин, Назокат синглисиги кўзи қўймай ўз бағрига олган. Аввалига хотинининг бу ишига Қодиркулнинг ғаши келиб юрди, кейинчалик, уйра битта дастёр ҳам керак-ку, деган мулоҳаза билан рози бўлди. Шу-шу Ойдин уларни кида.

Невъмат бир куни иш билан амакисиникига келганди, қизча қўярда-қўймай Невъматнинг кўлига сув кўйди. Бу ўша Ойдин эди.

— Оҳо, бўйинг чўзилиб қолибди-ку! — деди Невъмат.

— Энди комсомолга кирсанам бўладими, Невъмат ака?

— Нега бўлмас экан, албатта бўлади.

— Унда адамларга ўтиң...

Невъмат унинг ширин овозини эшитиб гала-ти бўлиб кетди.

— Тагин комсомол мажлисига ҳам паранжи ёпиниб борасанми? — деди гапнинг учини йўқотмай.

— Вой, қизиқ экансиз... Мен ўқиганман.

— Қаерда?

— Эске мактабда.

— Энди янгисид ўқисанми? Паранжинги ўтга ёқамиз, янги мактабда ўқитамиз, комсомолга ўтасан, ўхпиз?

— Кошики эди... — деди Ойдин ҳаёлга чўмандек кўзини бир нуқтага тикиб қолди.

Шу вакт амакиси кириб келди. Ойдинга «Ичарига кир!», дегандек бир ўқрайди-да, кеин Невъмат билан саломлашибди.

— Ойдинни янги мактабга чиқарсан нама дейсиз, амаки! Ўқисин, ҳали ёш...

— Саводи бор, ўйдаги ҳамма китобларни ўқиб тушириди. Бу ёти, келиннойнг қарашиб турди, сирир бузоқ, рўзгор дегандек... Ўзинг кўриб турғисан, — деди амакиси тескари қараб.

Невъмат амакиси билан меҳмонхонага кирди, лекин ҳаёли ҳамон Ойдинда эди. Бунча ҳам ёқимтот киз бўлибди! Илгари ўтибор қилимади. Ҳудди сутга чайиб олгандайд!

Ойдин энди Невъматнинг ақли-ҳушини бутунлай банд қилиб қўйган эди. У ҳар хил баҳоналар билан амакисиникига тез-тез келиб турадиган бўлиб қолди. Аввалига Қодиркул бунинг сабабини тушумай, жиянининг меҳри-бонлигидан хурсанд бўлиб, уни ҳамиса очиқ чехра билан кутиб оларди, кейинчалик Невъматнинг ниятларини пайқаб, рўйхуш бермай кўди. Бъазан, Невъмат келадиган бўлса, Ойдинга иш буюриб аллақаёқларга жўнатар, ёки қўшиларнига чиқариб юборар эди. Невъмат бўлса кела солиб ошонхага алланглар, кизни кўқисидан учратиб қолса, ўзини йўқотиб ўзга салом-алик қилар эди.

Албатта, Невъматнинг иши бошидан ошиб ётди. Эртадан-кечагача ишласа ҳам ишининг охри кўринмайди. Бахслар кескин, турли йўллар билан ишга ҳалал берадиган галамислир кўп. Ёшларни жамоат ишларига жалб этиши,

аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориши, ўзок қишлоқларга бориб, одамлар билан гаплашиб, саводсизларни курсга ёзиш— ҳаммаси Невъматнинг зиммасида. Эртао кеъшу ишлар билан бўлб, Ойдинни кўпда кўролмас, кўра олмаган ҳафтапарлар юраги узилиб кетгандек туюлар, қизни кўчаг, ёшлар даврасига олиб чиқиш ҳақида ўйлар эди.

Лекин бўнига ўтига хат ёзи. Кеч кириб қолган бўлса ҳам бир баҳона топиб амакисиникига борди. Ҳатни қандай қилиб тутказиши ўйлаб, юраги гупиллаганча ҳовлига кирди. Ҳовли супураётган Ойдинга кўзи тушдию юраги баттар ҳовлини кетди. Тааваккал қилиб ҳатни кизга тутказди.

— Вой, бу нимаси? — Ойдин хатни ташлаб юборди.

— Олақол, Ойдин, сенга... — дедио Невъмат эшикдан чиқиб келаётган амакисига рўйбару бўлди.

Иш пачава, Ойдин хатни олишига улгурмади. Яхши ҳам Невъматнинг ўзи эсини йўқотмай, ҷаққон бориб хатни ердан олиб чўнгатига солди. Лекин, барбири, амакисига ҳамма нарса аен эди.

Эртади куни, Невъмат ячейкада ўтираса эски паранжи ёпиниб бир аёл эшикни гийик этиб очдию она ёпиб кўйди.

— Кираверинг, — деди Невъмат.

Лекин хотин қайтиб кирмади. Бир оздан кейин эшик аста очилиб ҳалиги аёл кўрқа-пика боши суқди.

— Менда ишингиз бормиди, хола? Кираверинг, — деди Невъмат.

— Мен...

Невъмат сакраб ўрнидан турди, бу таниш, севимли овоз эди. Рўядо паранжи остида унинг ақлу ҳушини олган ўша Ойдин эди.

— Сенмисин?

— Ҳа...

Невъмат нима қилишини билмай, хонада у ёк-бу ёқка юарди.

— Паранжини олиб қўй, мендан бошқа ҳеч ким йўқ.

— Йўқ.

— Айтмабидим, комсомол мажлисига ҳам паранжи ёпиниб чиқасан деб!

— Бу мажлис эмас-ку! — Ойдин кули.

— Ҳани, бу ёқка ўтири-чи, — Невъмат курсини Ойдинга сурди.

Ойдин ўтириб, сачонини кўтариб қўйди. Невъматнинг назариди, хонага нур тарағландек бўлди. Йигит нима дейишини билмас, ҳаяжон билан қизга термилганича турар эди.

Ойдин ҳам ўнгайсиз ахволда қолди, чунки ўтага жимлик чўкиб на униси, на буниси гап бошлий олар эди... Сукуннати ниҳоят Ойдиннинг ўзи бўзди.

— Ӯша кунгина... ҳат эдими?

— Ҳа, — деди Невъмат астагина.

— Ўйдай бўлса биронвинг хатини нега олдингиз, қайтириб беринг...

Расмларни А. ТЕМИРОВ чизган





— Йиртиб ташладим, — деди Нэъмат ёноғи ёнб.

— Нега ундей қилдингиз?

— Башкеттән ёзаман.

— Лотинчами?

— Ха.

— Лотинчани билмайман.

— Шунинг учун айтаман-да янги мактаба чик, деб. Ҳамма ўкияпти.

Нэъмат Ойдиннинг ёниб турган кўзларида бахтини, истиблонини кўргандек талпинди. Талпиндию яна бўшади. Бу соддадил, пок қизга кўнглидагини айтишига ҳеч қанон журъат киломаса керак. Ойдин ундан қандайдир мадд истаб келган. Уни ўйдаги бўни мухитдан, эски урф-одатлар исказнисидан кутқариш ўнинга, севги изори этиб ўтириса, Нэъмат нима деган одам бўлади! Унинг ҳимосига келиб ўтирганидан фойдаланиб, «Менга тег, хотин» дейши инсофадами?

— Майли, Ойдин, бўлмаса сиз кетаверинг, мен ўйингизда олдан юбораман.

Қизнинг иккى юзи қип-қизил бўлиб кетди, Нэъматдада кўз узб ерга қарди.

— Одам...

Нэъмат ҳам ўйламай, айтиб юборган сўзидан ҳижжолат эди. «Одам юбораман», дегани қайси маънода? иккаласи ҳам гаранг.

Нэъмат қизнинг бўтиб турган ёноқларига узоқ тикилиб колганидан ўзи ҳам ҳижжолат чекиб стол устидаги қогоzlарни титкилай бошлади.

Ойдин ўрнидан турди. Қарисидаги йигитатик қараёлмай чиқиб кетди.

Kечқурон комсомол ячейкасининг мажлиси бўлди. Нэъмат мажлиси очиб, кун тартибидаги масалаларни санай бошлади. Биринчи масала — жаҳон инклиб масаласи; иккинчиси — хотин-қизларни саводсизликни битириш курсга жалб этиш; учинчи — сиёсий ташвиқот ва тарбибот ишларни кучайтириш; тўртничин — деворий газетанини навбатдаги сонини чиқариш; бешинчиси — шахсий иш...

Ячейка бюроси аъзолари: Жамол, Саттор, Қаҳхон, Абдували ҳар бир масала юзасидан ўз фикрларини айтадилар. Қизил чойхонада деворий газетанинг ҳар бир сонини овоз чиқарib ўчиш зарур, деб топилди. Деворий газетага Нэъматнинг ўзи яна муҳаррир қилиб тайинлаади.

Ҳамма масалалар кўрилиб бўлгандан сўнг, Нэъмат ўзининг «шахсий масалалари ҳакида маслаҳат солди. Амакинининг асрарни қизи комсомол сафига қабул килишини сўраб келганилигини айтиб, Ойдин ҳакида гапириб берди.

— Ўтакетган эски, қолоқ оила, — деди Жамол.

— Битта бу эмас, ундей оиласлар ҳали қишлоғимизда жуда кўп, — деди Саттор.

— Қодиркул ака динга муккасидан кетган,

бунинг устига, текинхўрлар билан ҳамтовок, қаршишимиз! — деди Жамол яна. — Аксинини лобий гаплар айтиби чойхонада, — деб қўшиб кўйди.

Ҳамма жим бўлиб қолди. Жамол ўз фикрини далиллар билан тўлдириш учун ўрнидан туриб гап бошлади:

— Ҳозир ишларимиз бошимиздан ошиб ётибди, бу ёқда жаҳон инклиб масаласи кўндаланб бўлиб турганда, уйланаман, деб юрганишсан уят эмасми? — деди Нэъмат.

— Ахир, ўйлаб кўрсаларинг-чи, мен... уни кўрмасам тура олмайман, қўлим ишга бормай қоляпти, менга маслаҳат берингилар...

— Сен ҳам ўша инклиб душманларига ён босадиган бўлсан! Бу ахвода ячейкага раҳбарлик қила олмайсан! — деди яна Жамол.

— Бу нима деганинг, Нэъматга бундай деб айб кўйишга қандай тилинг борди? — деди Саттор.

— Ахир коммунизмада ҳам севги-муҳаббат болуди-куй... — деди Нэъмат ўртоқларига ялингандай.

— Яхши, Ҳабиб ака билан маслаҳат қилиб кўралай, у киши нима десалар шу, — деди Қаҳхон масалага шу билан якун ясагандек.

Саттор қизишиб ўрнидан турди.

— Кизик гапларни гапиряпсизлар, Ойдин камбага оянланган фарзанди бўса, бу гапларнинг унга нима дахи бор?

— Нега дахи бўлмас экан! Куш ўз уясида кўрганини қилиади — деди Жамол.

— Ҳўш, менга айт-чи, коронги дунё ичдан бир бечора етим отилиб чиқиб, яни ҳаётга интилсао биз, унда-бундай деб, унинг кўкрагидан итарсан, ўзимиздан узоқлаштирасак. Бу қанақаси! Ишчи-дехон ўшларини комсомолга олиш керак, деган ўтрок Ленин. Менинг таклифим битта: Ойдиннинг комсомолга олиб, кейин ҳар икки томон юракдан рози бўйса, уларга турмуш куриш учун ҳам рухсат берилсин, шу билан жамиятимизда яна битта ўш онла барпо этган бўламиш!

— Юракдан рози бўйса эмиш, — мийнига кўлди Жамол. — Типириклиб турбиди-куй... Уйланни, турмуш куриш буларнинг ўзи иши, албатта. Ячейкамизга алоқаси ийк ўйк бу гапларнинг!

— Йўй, — деди шу вақтгана гапга араплашмай ўтирган Абдували, — комсомол ячейкасининг секретари ўйланмоқчи экан, биз кўл қовуштириб ўтирамаймиз! Кимга ўйланади, оиласи қандай, хули қандай, уларнинг жаҳон инклибига муносабати қандай, хуллас, ҳамма саволларимизга жавоб берishi шарт!

Xуллас, олдинги тўртта масала ҳам бир бўлади, ячейка секретарининг «шахсий масалалари ҳам бир бўлди. Мунозара жуда қўзилиб кетған эди.

Оқибат, Нэъматнинг ўз талаби билан бу ма-

сала кун тартибидан олинниб, то райком секретари билан маслаҳат қилинмагунча кечкитирилсиз, деган қарорга келинди. Ойдинни комсомол сафига қабул этиш масаласини эса Нэъмат билан Сатторга топшириди. Жамол ўз фикрида қоди. Ячейка маҳлиси ярим кечага бориб тарқади.

Орадан бир ҳафтадан ортиқ вақт ўти. Нэъмат қизни, ячейка чиқиб қолар, деб ҳар кун кутарди, лекин Ойдиндан дарак бўлмади. Ячейка аъзолари, айнича Саттор Нэъматга «Берилган топширикни бажармадинг, Ойдин қарда қолиб кетди?», деб қисталанг қила бошлади. Нэъмат бўлса майюс, мом-мим демас эди. Ойдинга бағрига босолмаса, унинг комсомолга кириши ҳам аҳамиятсиздек эди. Киз севгиси чўрт кесар комсомолнинг, ёшлар жўрабошисининг фаолиятига тасир этиб, уни сустаки қилиб кўйган эди. Саттор буни пайқаб, «биз муроса қилолмаймиз, доим жанговар, ҳужумкор бўлишимиз керак. Ким айтади сени ячейкамиз котиб деб, юрагингда ўтинг борми ўзи!», деб Нэъматга қаттиқ дашнам берди.

Оқибат Нэъмат бир куни қизнинг уйига жўнади.

Нэъмат ховлига кириб у ёқ-бу ёқка қарди, ҳеч ким кўринмади, ошхонага ўти, бу ерда ҳам ҳеч ким йўқ; уйга кирди, жим-житлик; ҳайрон бўлиб боз эшигидан ташқарига чиқкан эди — Ойдин сув бўйида ўсма қўяётган экан.

Нэъмат ўзини дарахт орқасига олди. Ойдин боз томога қараб ўтирганилиги учун, Нэъмат унинг юзини кўлида киз шубаб турган кўзгусидан томоша қиларди. Киз ҳам кўзгуда кўриб қолди шекилини, «вой ўйлай!», деб ўрнидан турди-да, югурга бориб аридағи сувга апил-тапиб юз қўзларини ювди, кейин тескари ўтирилиб қозошидаги рўмолчиасига юз-кўзларини артди. Тўнкарилиб ўтган ўсма юкини пиёлласини чайиб олди, тупроққа қоришиб ётган ойнани этагига артди-да, индамай қолди.

— Салом, Ойдин! — деди Нэъмат.

Киз индамади, ерга қараганча яккаш ойнани ўйнарди.

— Қўй, ойнанинг сирин чиқиб кетади.

— Қандай кирдингиз?

— Эшиклар ланг очи, ҳаммаёт очи-сочиқ ётибди, уйни ўғри кўтариб кетса нима бўлади! — деди Нэъмат ҳазизомиз.

— Эшик тамбланган эди-ку...

— Ланг очи экан, ўйларни ҳам, ошхоналарни ҳам бемалол айланбис чиҳдим.

— Занжир эди, Мурод курмагур очиб кетибди-да... Моҳшурда иситиб бердайм!

— Келиномий қаэрдалар?

— Кўшимиш билан түргуқца кетиши...

— Амаким-чи?

— Тошкента, молга кетдилар. Жуда суриштириб қолдингиз...

Нэъматнинг кўнгли жойига тушди, бемалол гаплашадиган хонаси экан, лекин гап курғулевермайди.

— Роса чиройли гуллабдими, — деди гилосга қарди.

Ойдин гилосга қарди. Нэъмат унинг бўртиб турган лабларига тикинди. Киз қошида қолган ўсма ҳуснига яна ҳам ифрат, гўзалини кўшган эди. Ўзига тикилиб турган йигитнинг ўтирик қарашларига дош беролмай, киз яна ерга қарди.

— Жуда ҳам чиройли гуллабди, — деди Нэъмат тагин гап тополмай.

— Ҳа, чиройли...

Нэъмат гапни нимадан бошлаши, ўзининг эзгу орзуларини, ниятларини қандай қилиб қиз қалбига етказишини билмасди. Гапириш учун неча марта оғиз жуфтладиган кейин юраги деб бермай яна қизга теришлаганда, ундан мадд истаб тураверди. Фақат қалбларигина сўзлашади, Ойдин бўлса goҳо ер остидан Нэъматга қараб қўйар, унинг бу қараши йигитга «айтадиган гапингизни айтинг», дегандек туюлар эди.

Нэъмат минг мулоҳазага бориб, ийманибига нағаш бошлади:

— Ойдин, бир гап айтсан...

— Нима гап экан? — ҳеч нарса билмагандек сўради киз.

— Кўнглим сизда... Ойдин...

Киз оҳуде салбиб турди ўтидан ҳеч нарсага қарамасдан, юргургана боз эшикдан ховлига чиқиб кетди.


Охири келгуси сонда



Республикамиз пойтахтини қардошларча дүстүрлөк рамзы бүлгөн яна бир мұхташам бино

безади. Бу янги билим үчогы Болгария Халық Республикасы Хасково округи мекнаткашырыдан Тошиентта совладир. Пойтахтымизниң София проспектіде қад күттарған олтита күн қаватын корпус 1060 үкүвчинин тәзгілі олишига мұлжалланған. Мантаң болгар халықнинг улуғ фарзанды Георгий Димитров номы билан аталаған. Үтган йилнинг охрида Г. Димитров қайкали ван мактабнинг очишишига бағишилдік дүстүрлөк митингиң бүлиб үтди. Танналы марсисімдік Болгария Халық Республикасы делегацияси ҳам иштишор этди. Сураттарда: 1. Болгария Халық Республикасы делегациясининг бошлиғы, БХР санытат ва маданият комитетининг раиси П. Матев нуты сұзламаонда. 2. Булар шу даргоҳда билим олишади. 3. Г. Димитров қайкали. 4. Софиялық бинокор Марик Акимов синф таҳтасыда дүстларимизнинг қалб сұзларының изкор этди.

А. ЧАПЛИГИНА, И. ДУШКИН
ва Г. ЛИПШИЦ фотолари.



ФАЗОДА АВТОМАТЛАР КАРВОНИ

Хозирги пайтада Ер шарининг иккى қытъасини Ойни тадқиқ этиш юзасынан олип бориляёттән ишлар айни зарураттады. Бизнинг даври мизда сейрәмизга яқин осмон жисмларини турли электрмагнит нұрлары өрдеміда олинған мәлумотларға ассоғлаби текшириш киғоя қылмайды. Шунингдек, автоматик аппараттар көлтирадын мәлумотлар ҳам етарлы эмас. Шу себаби Ой турғоргани микроскоп ва электроскоптар билан тедқиқ қылыш, «Луна» таркибиңи зарурати туғынды. Бу вазифаларни хал этиш үчүн «Луна-16» ва «Луна-17» учирнады.

«Луна-16» ва «Луна-17» парвозларининг ахамияти түғрисиңде гап борар экан, аввало, Ой турғори намуналарини құлға кириштиша автомат станциялардан фойдаланыш аңчагина ерзонға тушишини тәькидлаш лозим. Оз ха-

ражат әвазига Ойнинг түрли нұқталаридан түпроқ намуналарини көлтириб текшириш мүмкін. Бу эса, шубхасиз, саїрәмиз йүйдошиңнинг таркиби ҳақида анча чуқурроқ хulosалар чиқарышига имкон беради. Бундан ташқары «автоматика» вариантынан башқа ағзалылар томоны ҳам бор. Автомат станциялардан фойдаланыш космик әкілажыл кемаларни фазога учиришиңа қараганда зұррақ имконияттар түгдіреди.

Күбіш системасидеги осмон жисмлары сира ҳам меңнендейт әмас. Ернинг яқын құшысы— Венерага յазаси юзқас даражада иссиқ бўлганилиги туғайли бориб бўлмайди. Меркурий ундан ҳам қайон. Плутондан ташқары барча саїрәлалар эса мағзин-мағзигана яхлаб ётган курралардир. Бу саїрәлалрга инсоннинг боришина ҳозирла ҳозирча сўз ҳам бўлиши мумкин эмас.

Совет олимлары фазони автоматик асбоблар орқали текшириб, автоматика ва кибернетиканиң имкониятларини яна бир карра нағойиш этилар. Шу билан бирга аниқ айтиш керакки, улар Кониотни космонавтлар экимажларни башкарадын фазо кемалари өрдамида тадқиқ этишшега қарши эмаслар.

Илмий хуосалар шуну күрсатмоқдаки, афтидан Кониотта қаттаки қатлами саїрәлар юзаси пайдо бўлишининг иккита тараққиёт йўли бор: биринчиси — зич атмосфера қатлами ўраб олган саїрәлаларнинг тараққиёт йўли бўлса; иккинчиси мутлако ўзгача — атмосферасиз осмон жисмларига тегишилдири. Уларнинг

сатҳи ташки фазовий таъсиirlар натижасида шаклланади. Чунончи, Ой ҳам шундай, Фикримча, фазони ўрганишнинг энг мухим вазифаларидан бири Ой, Ер ва бутун Күёш системасининг келиб чиқишини аниқлашади.

Кониотни автоматлар өрдамида ўрганиш вазифалери ҳақида гапириганды гравитациян ўзаро таъсиirlар хусусида хеч нарса демадим. Бундай текширишлар қудрати гравитация майдонларинин манбалари бўлганд саїрәлалар системаларидан узоқдан ўтказилиши керак бўлади. Гравитация табматининг ҳарәкәт механизмизи мали ҳозирча маълум бўлмаган сўнгги кучларидан ёки, ҳарқалай, шу кучларнинг сўнгиги-ларидан бириди. Ваҳолонки, бу куч бутун Кониот ҳәётини башкариб туради. Бу куч гала-гала саїрәлалар ҳарәкатини башкарибина қолмасда, галактикаларни вужудга келтиришада ҳам кatta аҳамият касб этади. Афтидан, у, оқибатда галактикалар, юлдузлар, саїрәлалар юзага келишига сабаб бўлудиган «юлдузлардан аввалик» моддаларни шакллантиради. Бу куч, эҳтимол, элементар заррачаларнинг тузилишини ҳам белгиласа керак.

Эндилинида, гравитация ҳодисасининг геометрик хусусиятларини ўрганишдан унинг физик хусусиятларини тадқиқ этишга ўтиш наабати кеди. Умид килемиз, автомат разведчиларимиз бу борада бизга ёрдам беради.

Н. СТАНЮКОВИЧ,
профессор, физика-математика фаязлари
доктори



«Ўзбекистон» поездининг Нормат Нортониев бошлиниң қилаётган бригадаси Тошкент — Москва магистралидаги энг илгор коллективлардан биридир. Суратда: Нормат Нортониев ҳамда вагон депоси ишлаб чиқариш-техника бўлимининг бошлиғи Лазонат Олимбекова.

В. ЛЕИЗЕРОВИЧ фотоси (ЎзТАГ)



Самарқанддаги 8 Март номли тинувчилик фабрикасининг моторист-тинувчиси коммунист С. Вдовина ишлаб чиқариш топшириқларини ҳамиша ортиги билан баҳари келмоқда.

А. КУЗЬМЕНКО фотоси (ЎзТАГ)

Мен танлаган йўл

Мен умр йўлининг зиналаридан
Баландга чиқмоқни аҳд қилганим он
Кўзимга кўп гўзал кўринди жаҳон.
Кўш кўллаб ушладим меҳнат баридан.
Белларим қайшди.
Кўлларим тоғди.
Кўзларим соҳида тиниб кетса ҳам,
Умидим узмадим — тирмашдим маҳкам.
Ниятим иўлдошим бўлди — куч олди.
Мен енгил обрўйни қилимадим ҳавас,
Ё соҳи мақтогва умладим дарров.
Билардим, бაъзида дўйстим бўлиб ёв
Йўлинига ташлайди гул ўрнида хас!
Мен ҳаёт завқини меҳнатда тотдим,
Ҳа, оғир меҳнатнинг завки ўзгача.
Кўзимга чўйкунча қоронги кечা,
Умримни шу йўлда ўн қилиб отдим.
Биламан, асабим бевакъ титилур,
Жонимга бемаврид ажал тикаро кўз.
Биламан, ўн ўрнини тотиб тушган сўз
Асабадан, юрақдан чақиб битилур.
Мен атай шу қийин йўлни ташладим,
Ҳа, нурли чўққида чиқар манзилим.
Етишим кўп мушкул ва лекин дилим
Дейдикни, ташлайвер ишончла одим.

1970

Кора денгизни согиниб...

О, денгиз, согинидим, кучогингга ол,
Тўлқинлар узра от, эркала, ўйнат.
Қалбимда зәскларим тошириб қайнат,
Турнинг накадар кўркamu хушхон!

Мен сени биламан: эски ошнамсан,
Мен сени ҳамиша мусаффо кўрдим.
Ҳар қатра сувингда бир шифо кўрдим,
Менингдек қадрдан дўста ташнасан.

Тўлқининг бир-бисми қувиб, мингашиб,
Бир дунё завқу шавиқ олиб юради,
Дилларга таксимилаб солиб юради.
Баъзида зарб билан қирғондан ошиб.

Гоҳо сен мулойим, гоҳо шиндаткор,
Гоҳида жимирилаб туш ўйнатасан.
Чеки йўқ қозонсан — нур қайнатасан.
Барининг ўзича фазилати бор.

Майли, сен ўйнола, майли, қайна, тош,
Ҳаммаси ўзингга хўл яратади.
Мен сени кўрдимми, қалбим жўшади,
Багрингта олақол энди қалам қос!

1969

ЦУХРАТ

СОКИИН

Табриз қизи

Ҳакима Биллурийга

Софингдингми қизингни Табриз
О, эртакка айланган шаҳар!
Қизинг сени согиниб ҳаргиз
Тонг отгандан жанубга бокар.

У — Ҳакима! Сенинг дардинга
Даво излаб юриди бунда.
Сўзлар ташлаб сенинг мадҳингга
Шеълар ёзар ўртанинг кунда.

Болалигин излари сенда.
Сенда ёзган ишқи илик япроқ.
Ўша йиллар завки кўксиди
Мангу ёниқ — ўчмайор чироқ.

Кўзларига ёш қапқас баъзан,
Ўқинчдан мас, соғинидан бу.
Умид ўзук бўлса, кўзи — сан,
Ҳаёлида яшайсан мангу.

Истиқболинг ҳаққи-хурмати,
Тўқонган қон эсида ҳамон.
Ҳамон ўша инплар шуҳрати,
Тушларида кўтарар түгён!

Ўша юрак, ўша кўз билан
Сени кўрмоқ истайди ҳамон.
Сени кўриб, кутлуғ сўз билан
Шарапининг этмоқчи достон.

«Ўша кунлар келади», дейман,
«Келади», дер у ҳам ишонч-ла.
«Орзуларинг купади», дейман.
«Купади», дер у ҳам ишонч-ла.

Софингдингми қизингни сен ҳам,
О, эртакка айланган шаҳар!
Шонил мадди бўлиб бир олам
Қўшиқларда кўйланган шаҳар!

Қизинг сени соғингнанг фоят,
Дилларида сўймас олов бор.
Сенинг баҳтинг кўрмоқ нияти,
Қўлларида қизил ялов бор.

Бир яловки, сенда оққан қон
Рангни қилмиш янада тиник.
Табриз! Қизинг сен билан ҳамон
Ҳамон меҳринг қалбиди ёниқ!!

1969



Сени излаб...

Мен сени излаб бөгларга чиқдим,
Дедилар— Қырда.
Қирни айланиб, төгларга чиқдим,
Йўқсан кеч ерда.
Сени сўроклаб дарёга боқдим,
Деди— Денгизда.
Денгизда суздим, тўлқинда оқдим,
Топладим из-да!
Тошлардан сўрсам, қаттиқ тош деди:
— Мен унинг қақри.
Осмонга боқсам, нур — қўёш деди:
— Мен унинг меҳри.
Ойдан сўрасам— Юлдузда!— деди.
Юлдуз йироқдир.
Сенга етолмай ўттаниб, энди
Ишим — фироқдир.

1970

* * *

Болаликдан келдим сенга, азиз кексалик,
Болалигим шўхликларни ҳали қонимда.
Болалигим саломига сен олсанги алиқ,
Ўзга олам ярапади менинг жонимда.

Болалигим, кексалигим — икки минтақа,
Қок ўртада ёшлигимнинг баркамол басти,
Болалигим чечак истаб юғурди боққа,
Фронтларда қилич тутди ёшлигим дасти.



Барчасидан миннатдорман умрим борича,
Болалигим, олов ёшлиқ, энди яхши қол!
Сендан кетдим сочларимнинг оппоқ қорича,
Кексалигим ойдин туни, энди қарши ол!

1969


ЎЙЛАДРИМ

ТУРКУМДАН

Тўртликлар

Йўлларинг минг олис бўлса ҳам дўстим,
Манзилинг аниқми, сен шунга қувон.
Шу олис манзилинг илнижиде ён,
Оёғинг чағир тош тилса ҳам, дўстим!

Ойга ҳам инсоннинг обғи етди,
Ой романтикаси гўёни битди.
Аслида инсоннинг айл қалами
Романтик оламнинг илк бетини битди!



Бир томчи сиёҳдан бир дунё маъно —
Ёзлиб, оламини ёртиса мумкин.
Баъзида бир вергул, имловий хато
Түфайли оламини ер ютса мумкин!

Гулларни гул қилган на унинг кўрки,
На унинг беккёс муттатар икси.
Гулларни гул қилган инсоннинг эрки,
Инсоннинг идроки, диди ва ҳисси!

Бўйнимга солинса оптиндан занжир,
Нега мен оптин деб уни эъзозлай!



ВАҚТ-СОАТ

БЕССЕЛЬ ИИЛИ

Маълумки, Янги йил ҳамма мамлакатларда айни бир вақтда бошланмайди. Астрономларнинг ўз налендари бўйича-чи? Утган йили астрономик янги йил биринчи январ куни Москва вақти билан 18 дан 24,9 минут ўтганда кирган эди. 1969 йили эса астрономлар Янги йилни «муддатидан аввал», яни 31 декабрь соят 15 дан 35,5 минут ўтганда кутуб олишган.

Бу Бессель йили деб аталади. Ана шу астрономик ҳисоб бўйича янги йил ер юзининг ҳамма жойинда айни бир вақтда бошланади.

МИНТАҚАЛАР

Амалда биз вақт ҳисобининг бир неча туридан фойдаланамиз. 1884 йили астрономларнинг халиқрој конгресси Еуропасини соат минтақаларига бўлишга қарор қилиган эди. 1919 йилнинг 8 февралида В. И. Ленин Россияда ҳам мана шу халиқрој системани жонрий цилинди ҳақидаги дикретин имзолади. Бу системага мувофиқ мамлакатимизнинг бетоён територияси ўн бир зонага бўлинади.

АТОМ СОАТИ

Вақт сигналлари ҳозир атом кучи билан юрадиган соатга асосланб берилади. Бу соат минут ва секундларни Ернинг айланishiга қараб эмас, электромагнит тўлқинлари таратадиган асборлар ёрдамида ҳисобга олади. Мана шундай атом механизми Ватанимизнинг етакчи соати — Кремль курантига ҳам ўрнатилган.

Айтиш керакни, илгарни курант жаранганинг бошланниши Янги йилнинг биринчи дациаси ҳисобланар эди. Утган йилдан бўйн Янги йилнинг биринчи дациаси деб курантнинг биринчи бонги қабул қилинди. (Қадаҳ уриширишда шуни ҳисобга олинг).

КРЕМЛЬ СОАТИ

Мамлакатимизнинг бош соати — Кремль курантининг механизми Спасская минарасининг уч қаватини эгаллайди. Ўнда боён юрадиган асосий қўнгиродан ташҳари, яна ўнта кичик кумуш қўнгироқ бор.

Бу соат XV аср охирларида, минара қурилгандан нейинсоқ ўрнатилган. XVI аср ҳуҷожатларида бу соатга қарайдиган маҳсус устальарнинг номлари бор. Ҳозиргана соатнинг механизми тўрт марта янгиланган.

Кремлининг соатсоз устальари куранти ҳар куни бир неча бор Стандартлар комитетининг маълумотлари билан солиштириб, энг аниқ вақтни белгилаб турадилар.





ССРД давлат мунофоти ва Ҳамза номидаги республика давлат мунофоти лауреати, Узбекистон халқ рассоми Чингиз Аҳмаров.

"ГУЛИСТОН"
ГАЛЕРЕЯСИ

С анъет мухлисларига
Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Аҳмаров чизган суратлар яхши таниш. Унинг ажойиб асарларини бир карра кўрганингиздаёқ рассомнинг Шарқ шеърияти ва миниатюрасини, ўзбек халқининг қадимий маданиятини чуқур тушунибгина қолмай, жуда нозик ҳис этадиган санъаткор экзаменинни сезасиз.

Чингиз Аҳмаровнинг ўсмилик чоғлари қадими санъат ёдгорликлари шахри Самарқандда, меъмор ва рассомлардан иборат икодкорлар мухитида ўтди. Кейинчалик у Пермь тасвирий санъат билим юртида, Москвадаги Суриков номли Тасвирий санъат институтида ўқиди. Унинг «Ўзбекистон қиличи» триптихи шу даврда яратилди.

Ягона гояни бирлаштирган бу асарнинг марказида хайрлашув дакижалари тасвиirlangan: ота фронте кетаётган ўғлига: «Фашистларни қир», деб қилич тұтқазади. Ўнг томонда халқ күшини, чада мудофа учун буюм йиғиш пайти тасвиirlangan. Бу ёш рассомнинг диплом иши эди.

Бундан чорап асрча мұқаддам Чингиз Аҳмаровнинг устахонасига кириб қолғанымда картон қозоз, ганч тахтачаларда Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри биноси учун дөвор суратлари ижод қылғаныттыннан үстидан чиққанман. Уша ескизләрдәй, одам ёки жониззорларнинг жонли қиёфаси гавдаланиб турған эди.

«Фарҳод ва Ширин» композициясыда Ширин ва унин атрофидаги абллар, болалар тасвири ёрқин, ишонарлы чизилган. Бу асарни рассом Шарқ тасвирий санъатининг энг яхши намуналаридан илхомланиб яратған.

Чингиз Аҳмаров Суриков номидаги Тасвирий санъат институтидагы монументаль-декоратив сурат бўйича академик И. Грабарь ракбарлигида 1949 йили кандидатлик диссертацияси ёқлади. Сўнгра Москва, Козон, Тошкент, Кемеровода бир қанча биноларнинг дөворларини суратлар билан bezadi.


Унинг ижодий қобилияти айниқса Самарқанддаги Улуғбек музейининг деворларига ишлаган расмларида ҳар томонлама, тўла очилди. Бу суратларда улуг мутафаккир мавзуи Улуғбекнинг маҳсус портретидагина эмас, бошқа композицияларда ҳам ўз ифодасини топган. Агар «Олимлар Улуғбек ҳузырида» асарида тантана, улуғворлик акс этган бўлса, «Муширо» композициясида қандайдир ички ҳаяжон, шавқ-звавқ кўзга яқон ташланыб туради. «Улуғбек ва руҳонийлар» картинасида эса, муросасиз икки қарама-қарши куч ўтасидаги баҳе күлоқларнинг эшилшиб турғандек бўлади. Инсонпарвар мутафаккирга қарши йирик мүлкдор Хўжа Аҳрор вали исен кўттарган: у Улуғбекни динсизликда айблайди. Хўжа Аҳрор картинада орқасини ўтириб турғиди. Юзи кўринмайди. Шунга қарамай, унинг бу пайтдаги ҳолатини Улуғбекка бўйрилардай ташланнига ҳозир турган муридлар, дарвешларнинг вахшиёна қиёфаларидан пайқаш кийин эмас.


Чингиз Аҳмаров дўсти ва шоғирди Тўхтабек Соипов билан ҳамкорликда Абурайхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг вестибиоли дөворларига чизган суратлар замонавий услубда курилган бу бинога ўзгача бир кўрк убах этган.

Дашт-биёбонда карвон бормоқда. Қаторқатор туялар. Уларнинг ҳаракатида вазминлик. Юклари ҳам вазмин. Элчилар қимматбахо ҳедалар олиб кетмоқдадар. Туялар ортилган сандиқлар, хуржунларда китоблар. Элчилар орасида турил тоифадаги одамлар бор. Ана карвонбоши, юзи қубшда корайган, энгиза ўйл кийими. Йўлбошловчининг қиёфасидаги ўйчаник, ҳаракатидаги босқилик киши диққатини тортади. Карвон ўйл олган юртда осойишталик хукмрон. Демак, у ерда маърифатнинг равнакига шаронт мавжуд.

Композициянинг чап томондаги қисмida тинчлик кучлари вайронални көлтирувчи уруш үстидан муқаррар галаба қозонади, деган фикр образли тасвиirlangan. Вайрон этилган жойга сув келади, одамлар кўчат ўтқазади-лар, она қизига савод ўргатади, фарзандлари

ҚАДИМ САНЪАТНИНГ БУГУНГИ ИФОДАСИ







атрофика парвона бўлади. Композициянинг чап томони, сабза рангида чизилганки, бу ҳаётбахшидан нишонадир.

Рассомнинг кейинги ишларидан бирни — Самарқанддаги «Юлдуз» чойхонасига чизилган суратлардир. Бу композиция фоят катта бўлиб, ўттис саккиз квадрат метрни ташкил этди. Унда етмис чоғли персонаж тасвириланган. Асадар Улуғбекнинг турли мамлакатлар элчичарини тантанали қабул қилиш маросими билан бирга шаҳар ҳёти ҳам кенг тасвириланган.

Мана, аёллар тўйга кетмоқдалар. Ёш муллавачалар нима ҳақдадир кизгин сухбатлашмоқдалар. Суворийлав овдан қайтмоқдалар. Болалар варрак учирмоқдалар. Шаҳар дарвозасидан карвон чикмоқда. Бу алоҳида-апоҳида сюжетларни лиммо-лим ҳовузлар, чамандай гуллаган боғларден изборат баҳор манзараси бирлаштириб туради.

Чингиз Аҳмаровнинг «Ёруғлика» деб номланган картинаси Шарқ хотин-қизлари озодлиги мавзуига бағишлиланган бўлса, шоира Зулфия портретида озодликка эришган Шарқ аёллининг киёфаси, ақл-фасоҳати равшан намоён бўлган.

Чингиз Аҳмаров қириқ йиллик ижодий фаолияти давомидан яратган асарларни кўз олдингизга келтирип экансиз, санъаткорнинг кўлига мўйқалам тутганидан бошлабок аҳмаровчасинга ишлай бошлаганини кўрасиз; ўтмишинг буюк бадий мероси, қадимий санъат анъаналарини замонамизинг шиддаткор оқими билан боғлай олганини хис этасиз,

Чингиз Аҳмаров тасвирий санъат маҳоратини рус рассомларидан ўрганган эса-да, Шарқ классик санъати намуналари унинг ижоди учун туғанимас илҳом манбаси бўлди. Рассомнинг ижоди Афросиёб суратлари, қадимий Хоразм сополларидаги нақшлар ҳамда улуғ ўзбек мусаввири Камолиддин Беҳзоднинг миниатюралини мактаби анъаналаридан кучкуват олди.

Монументал-декоратив девор суратларидаги ранглар жилоси, тасвиринг нозиклиги, замондошларимиз портретларидаги ўта тиниқлик Чингиз Аҳмаров санъатини бошқа рассомлар санъатидан фарқлантириб туради.

Атоқли рассом тасвирий санъат воситасидаги ҳамиша томошабин билан мулоқатда бўлади. Унинг нағис ва ранггин асарлари санъат мухисларига руҳий кўтариникили, нозик ҳиституғулар баҳш этди. Чунки Чингиз Аҳмаров қайси мавзуга кўл урмасин, инсоннинг ақлидроқи, яратувчилик кудратини тараёнум этиб келмоқда. Унинг барча асарларидан замон нағаси уфориби туради.

Олег АПУХТИН

Рассом энсизларидан намуналар: замондош қиз; кубачиллик мисгар; турман қизи.

РАНГЛИ САҲИФАЛАРДА. Ўзбекистон ССР ҳалқ рассоми Чингиз Аҳмаров асарларидан намуналар. Биринчи бетда: Беруний номидаги Шарқшунослик институтидаги суратлар. Қўш-саҳифаларда: Самарқанддаги Улуғбек музейи ва «Юлдуз» чойхонаси деворларига ишланган суратлар (юқорида — ўнгда: пастда — чапда ва ўнгда); ССР ҳалқ артисти Аброр Ҳидоятовнинг мозаика-портрети; Беруний номидаги Шарқшунослик институтидаги суратнинг бир қисми. Тўртнинчи бетда: Алишер Навоий номли Адабиёт музейидаги суратлар.



Ҳайрли кеч

Ҳайрли кеч, сочларимни тортиқилаган, шўх, Моҳирйўим нафасидай майин саболар! Ҳайрли кеч, дин ҳордигига ёзган шан қўшиқ — Ҳәбелимда титраб турган сирли садолар! Ҳайрли кеч, парираган нозли юлдузлар, Ҳайрли кеч, бошим узра жижигланаган нур; Ҳайрли кеч, сиёҳ тунлар сочиг кумуш зар, Минг-минг йилни бир карзондаги ўтказган умр! Ҳайрли кеч, эй оқдин туи, боз тонга шайлан, Тонгда яна довруқ солар кудратли Одам, У истарки, меҳварингда доим тинч айлан, Унинг мангу беланчаги — Курран олам...

Дарёларнинг кирғогида салқин бекат, Бекат аро кўринади ўйларингиз, «Кўёв-кўёв» дайди титраб қирмиз лаблар — Чанқовузда кинни излаб куйладингиз!! Билалкларда мис кўзлар — бир тўда қиз, Бир тўда қиз қаторида бўйларингиз. Бўйларингиз харидори чиқсан ёқдан Сочви борса уволмасми ўйларингиз!..

Рауф ПАРФИ

Юрагим, түгилдик биз бирга, Отамиз бирдир, онамиз бир. Биз бирга термудлик шу Ерга, Шу Ер учун ҳам ёнамиз бир. Жаҳонни кезмоқча піёда, Одимларимиз бирдир бизнинг. Шу баҳти, шу баҳти дунёда Одамларимиз бирдир бизнинг. Насиб эта агар мангуплик, Сен яшайвер, сен менни кутма. Мен сенинг исмимгман, ва лекин Юрагим, исмимни унутма.

Деразамга урилади қор, Жаҳонглайди жаҳарниси кумуш. Деразамга урилади қор, Қор сингари оппоқ бўлди туш.

Бир ажойиб қор ёгар бу кеч, Учиди тушар менинг ёнимига... Мен-ку сени ўйламасман ҳеч, Сен тушасан аммо ёдимга...




— Ассалому алайкум, муҳтарам журнахонлар! Менинг номим — Наъматак. Утган йилнинг охирида сизларга нўриниш берган эдим. Бундан бўён мунтазам нўришиб турдим. «Гулни гул дермуниши, гулнинг тикони бўлмаса?», деганларидек, наъматам ҳам йил бошининг сертикан или гули. Дўст димогини чоглаган чаманини тикан нўришлади. Гул наъматандан нуҳ олади, инсонга энг шифоли витамин ҳам наъматакнинг мевасидан. Коллеверса, азкия ҳакимларининг дъявосинча, кулаги саломатлик воситаси.

Таомилга ҳура ҳар бир ҳайрли ишни ўз соҳасининг муҳтарам пешвォари бошлаб берадилар. Биз ҳам шу удумга амал қилиб, республика музейиниң қаҳхаҳа усталарининг Янги йил тилакларини эшишсан.

27-бетта марҳамат.

ПОЙТАХТИМИЗ

ЖАМОЛИ



Республикамиз пойтахти — Тошкентнинг жамоли кун сайин кўркамалашшиб, багри тобора кенгайиб бормоқда. Шаҳримиз келажақда яна ҳам кўркам, яна ҳам навқиран бўлади.

Тошкент 1966 йил зилзиласидан сўнг чинакамига тубдан ўзгара бошлади. Уша ташвиши кунлардан кейин тез орада Коракамиш, Шимоли Шарқ, Кўйлиқ массивлари, Сергели шахарчаси пайдо бўлди. Бу — халқимизнинг меҳнатсеварлиги, дўстларимизнинг ғайратидан давлатидир.

Уша йил меморларимиз учун ҳам анча ташвиши келди. Шаҳринг шикастланган қисмими қайта кўриш узоқи кўзлаб мустаҳкам бинолар лойхаларини ратиш керак эди. Бу ишни ҳам қардошларимиз ёрдамиз та-саввир қилиш ҳийин. Янги бунёд этилаган Марказ-4, Марказ-5, Марказ-7 массивлари, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг бинолари, Ленин номидаги кўркам ва ҳаматли проспект кўрдош куруувчилар билан ҳамкорлигимиз самарасидир. Шаҳринг шимоли шарқида кўрилаётган Фанлар академиясининг илимий-техникичи инситутлари бинолари, шаҳар ва облости партия комитетлари биноси, янги цирк, Ёшлар саройи, «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, «Осмон» ресторани — буларнинг ҳаммаси яқин орада битказиб фойдаланишга топширилади.

1966 йилдан бўён курилиш кўллами жуда кенгайиб кетди. Курилиши майдони ҳам кенг бўлиши керак эди. Шу сабабли кучни шаҳринг турли томонларига ташлаша тўғри келди. Натижада эскича гувала-пахса уйлар, тор кўчалар маркази Студентлар шахарчаси, Чилонзор, Коракамиш массивларидан ахрапиб қўйди. Янги беш йилликда бунга барҳам берамиш. Бир қаватли эски уйлар ўрнида янги бинолар кўриш, шаҳар маркази курилишини ниҳоясига етказиши, янги йирик районларни бир-бира билан болгланган ягона системага уюштириши, маданий-майиш хизмат кўрсатиши муассасаларини етарили куриш мўлжалланмоқда.

Халикимиз ҳовли рўяли, айвонли уйларда яшашга ўрганган. Эски уйларни бузишдан олдин биз буни ҳам назарда тутилимиз. Зилзиладан кейин Октябрь, Янгиобод массивларида худои ана шундай уйлар курилди. Бундан ташқари Сағонон, Маннон Уйғур, Қорасарой, Собир Рахимов кўчаларида кўп қаватли уйлар билан бир каторда, кенг ҳоялини, икки қаватли уйлар ҳам қад кўтарида.

Янги беш йилликдаги шаҳар курилишининг яна бир ўзига хос томони шундаки, курилиш эски биноларни иложи боричка камроқ, бузиш ҳисобига олиб борилиди. Энг яроқиз уйлар бузилиб, колгандарни янгидан тикланади, пардоzlандади. Янги беш йилликда курилишига татбиқ этиладиган лойхаларимиз анчагина, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми биноси, Алишер Навоий номидаги кутубхона, Газ саноати бошқармаси биноси, М. Горький номли театр, Дўстлик уйи, Пионерлар саройи лойхалари давримиз меморчилигининг энг яхши намуналари бўлиб қолади, деб ўйлаймиз.

Янги кўприклар, ер ости ўйларни куриш, транспорт тармоқларини кенгайтириш ҳам диккәт марказимизда турибди. Метро курилишининг биринчи навбатини ишга тушириш кўзда тутилоқда. Биринчи навбат шаҳрнинг шимоли шарқий ва жануби гарбий қисмларини туташтиради. Ўн олти километрга чўзилган бу метрода ўн бир бекат бўлади.

Тошкентимиз келажақда боф-шахар бўлиб қолиши керак. Анҳорнинг ҳар икки тарафуни Гагарин хиёбонига ўзшаган боғлар безайди. У турар жой районларидаги кўкаламзорлар билан туашшиб кетади. Янги йилларда Тошкент Итифокимиздагина эмас, балки жаҳондаги энг кўркам, энг йирик, энг замонавий шаҳарлардан бири бўлиб қолади.


Собир ОДИЛОВ,
Тошкент шаҳрининг босх архитектори

Үрта Осиёда маданий инқолобнинг буюн ўчоги — В. И. Ленин номидаги Мехнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Давлат университети ўзининг ярим асрлик тўйи шодиёналарини ҳашаматли янги бинода кутиб олди.

Р. ШАМСИДДИНОВ фотоси (ЎзТАГ).



Пойтахтимизда барпо этилаётган янги Шимоли Шарқ массиви келажақда ана шундай бўлади.



Ўзбекистон Рассомлар союзи кўргазмалар саройининг макети.

Фарзандлар оталар ҳақида

Отам Ҳоди Тақташ 1901 йилнинг 1 январида ҳозирги Мордва АССРнинг Тарбиеев районидаги Сиркди овудида камбагал дехон оиласидаги туғилган. Бор-йўғи ўтиз йилдан сал ортиқроқ умр кўрса, ўз асарлари билан ҳалқимизни хотирасида, кўнглиларни китобхонлар хотирасида абадий яшаб қолди. Унинг асарлари рус, украин, венгер тилларига, кўпгина туркий халқлар тилларига таржима килинган.

Ўзбекистон отам учун жонажон ўлка эди. Унинг ёшилийлари Бухоро ва Тошкентда кечган. Кейинчалик ҳам бу ерларга бот-бот келиб турган. «Аэропланлар», «Қоронғу тунларда», «Тўркистон сарволарида», «Ўрмон кизи» шеврлари, шунингдек, «Ер ўйллари» фожиаси-ни ана шу шахарларда яратган.

У Тошкентда Туркистон ишчи-дехон университетида дарс берди, «Билим юрти» журналида ишлади, қизил аскарларга лекциялар ўқиди, ўзбек шоирлари билан танишиди, дўст туттиди. Бу шоирлар орасида Гафур Гулом ва Файратининг бўлганинг менга яхши мавлум. Гафур Гулом эса отамнинг шеврларини биринчи бўлиб ўзбек тилига таржима килган ва 1933 йилда алоҳида китобча ҳолида нашр этирган.

Кўпинча катта шоир вафот этгач, унга ниҳоятда сайдап берни, илоҳиляштириб юборишларига сал қолади, унинг барча тириклар катори оддий инсон бўлганинг унтиб қўядилар. Отам ҳам ҳазин-муトイбанини севарди. Унинг номи билан боғлиқ бўлган қизиқ-қизиқ, кулили воқеалер ҳанзу ҳали орасида юради. Уларни мен кўп эшитганиман.

Йилдан-йилга мен абадий йигитлигича қолган отамдан улгайиб бормоқдаман. Аммо ўз ҳаёт йўлинида ҳалиқнинг отам ижодига бўлган улкан муҳаббатини ҳар қадамда ҳис этиб келмоқдаман. Бу муҳаббат вукудимга зўр ҳарорат бахши этди, қалбига битмас-туғанниса қувонн солади. Отамнинг дўсти, буюк шоир Гафур Гулом менга оталарча ёрдам берди, ҳомийлик қўлди. Мен Гафур Гулом шеврятини доим тарғиб қиласман. Умр бўйи бу улкан шоир ва улкан инсондан миннатдорман.

1939 йилдан бўйи ҳаётим Ўзбекистон билан боғлиқ. Бу давр ичida шу нарсани аниқ билди, ўзбек зиёдлиларининг энг қаси мисли учун отам ижодига юракка яқин ва қадронарди. Ҳамид Олимжон, Усмон Носир, Султон Жўёр каби машҳур шоирлар ўз асарларida отамни эслаганлар, унга эргашланлар. Ўзбек китобхонларининг отамнинг ижодига эҳтиоромини ҳар дақиқада сезиб турман.

Отамни гоҳ Маяковский, гоҳ Есенин билан таққослаидилар. Тўғри, унинг шеврлари Маяковский асарларидаги жанговарлики, исенён руҳга яқин туради. Лекин шуни айтиш керакки, ҳар бир катта шоир, аввало, боқиёс ва тумадир. Ҳоди Тақташ Октябрь революциясининг кўйичиси, татар шеврятидаги биринчи бўлиб В. И. Ленин ҳақида достон яратган истеъодд, ҳали шоирларидир. Ижодини прогрессив романтизм руҳида бошлигаран Ҳоди Тақташ социалистик реализмнинг ўққисига кўтарилди, совет поэзиясининг илғор вакили бўлиб етишиди. Унинг «Асиirlар ва минутлар», «Муҳаббат тавбаси», «Муқамай», «Келажакка хатлар» каби асарлари кўп миллатли совет адабиёти олтин казинасидан муносиб ўрини олди.

Навқирон шоир ўз қалами билан ҳамиша сафда.

Рафаэль ТАҚТАШ,
санъатшунослик фанлари кандидати, рассом

Атоқли татар совет шоири Ҳоди Тақташнинг туғилганига 70 йил тўлди

Ҳоди ТАҚТАШ



КЕЛАЖАККА ХАТЛАР

Биринчи хат

Сиз бу хатни олиб ўқиганда
Мен-ку кўпдан ўлган бўларман,
Ийллар бирин-кетин ўтган бўлар,
Исмим сизга етмас — унтилар.
Лекин
Тилакларим сизнинг даврда,
Сизнинг қирда чекач отажак.
Жонсиз гавдам ўша чечакларга
Озини бўлиб ерда ётажак..
Мендан сўнг келажак кўйичиларнинг
Донги кўмар менини отими.
Ийллар сизга катта ривояти
Саклаб олиб борган сингари,
Олиб борар ўшиб ухтини...
Сиз бу хатни олиб ўқиганда
Сигир ийллар ўтган бўларлар,
Ерда коммунизм курилган бўлар,
Менини кўшиклиарим унтилар...
Бизнинг ҳислар сизда таракорланмас,
Сиз у ҳислар билан ёнамисиз,
Бизнинг даврдаги онги зиддияти
Кишиларни англай олмассиз.
Биз кечаги куннинг шиддатли синови,
Бугунинг...
зафарли курашларидаги
Жўшқин ҳислар билан ёнамиз.
Янги ҳаёт,
Янги киши учун
Ерда катта жанглар олиб борамиз...
Биз биламиз сизнинг келажакни,
Биз биламиз давр курашини.
Биз биламиз бўлгуси жанглар
Галабалар билан тугашин!
Бу хат сизга бориб етганича
Сизга мерос бўлиб қолажак
Ер юзида
Бизнинг колониалар
Сўнгги истеджомни олажак!..
Бу фронтдан бир хат;
Бу хат менинг
Юрак ҳисларимнинг ҳароратини
Сақлай олиб сизга элтса-да,

Саломларим бориб етса-да,
Сиз бу хатни олиб ўқиганда
Ўзим кўпдан ўлган бўларман,
Ийллар бирин-кетин ўтган бўлар,
Исмим сизга етмас — унтилар...
Кимлигимни,
Касбим нималигин
Сизга ёзмай,
Ростин айтаман,
Мен умримда
Кўплаб анкеталар тўлдиридим,
Ҳар бир анкетани тўлдиригандан
Ёлғонни ҳам роса дўйидирман...
Бундай шўхлик учун айборман
Турли амалдорлар олдида фақат,
Лекин
Анкетада ёлғон бўлса ҳам,
Қўшиғимдада докм ҳакиқат.
Мен сифимнинг улуғ курашига
Жуда хушёр дадил қарадим,
Тутган ўйлум, ҳар бир сўзим учун
Ўзимни масъул деб сандамид!
Ахир
Ҳар даврнинг ўз касали бор,
Касалинг бўлади табби, албат,
Ҳар замоннинг ўзига кўра
Абллаҳ бор, гўринга лъяван!
Кечирабисиз,
«Абллаҳ» сўзиг бизнинг замонда
Ёмон одамларга кўйилган бир ном.
Ийллар ўчириб ташлар...

Лекин
Булар бизнинг
Жигимизга тегди батамом...
Атака бошланган ийларда ёздим
Мен бу хатни сизга, азиз дўстларим.
Балки шу бат билан босилар, деб
Бебош тўлғинларнган туйгу-ҳисларим.
Биз биламиз сизнинг келажакни,
Биз биламиз давр курашини,
Биз биламиз сўнгги жангларнинг
Галабалар билан тугашин.

ҲАМИША
САФДА

УЛУГБЕКНИНГ УЛУГЛИГИ

Буюк ватандошимиз Мұхаммад Тарагай Улугбек номы билан Шарқда ҳам, Фарбда ҳам шүхрят қозонған. Немис олими И. Медлер 1834 йилдән Ой харитасига «Улугбек кратерини күшшің күйтән эди..»

Самарқанд ағанлар академиясы. Эроннинг Кошон шахридан бўлган Гиёсiddин Жамшид Коши XV аср бошларида таҳминан 1420 йилда Самарқандга келибօқ, Улугбек теваригидаги илмий доирага қўшилган, математика ва астрономия билан астойид шуғулланган ҳамда бу соҳада хийла камалотга етишган эди. У Эронда колган отасига мактублар юбориб турган. Гиёсiddин мактубларини шарқшунослар иллари ҳам кўрганлар, эълон қилганлар. Аммо Бундан ўн йилча мұқаддам Техрондаги Сипоҳсолор Жомеи кутубхонасидан (2916-фонд) яна бир мактуб топилди. Форс тилида ёзилган беш минг сўздан иборат бу мактуб чет элларда инглиз ва турк тилларига таржима этилди.

Таҳминан 1421—1422 йилларда отасининг саволларига жавоб тарикасида ёзилган бу мактуб Гиёсiddиннинг иллари ёзган мактубларига бирмунча ушашароқ (мактубда аввал айтилган гаплар ҳам тақорланган) бўлса-да, унда бир қанча янги, мұхим маълумотлар бор. Чунонча, Улугбекнинг дудабуронлиги ва математика имидан фоят бақувватлиги, мадрасада ўтилган дарслар, кўрилаётган расадхонанинг асосий асуబи муджиҳ Фаҳрий (Фаҳрий сексантанти) эканлиги очик-оидин ёзилган. Мактубда Самарқанд астрономларининг мўтабар қўлланмаси Абу Райхон Берунийнинг «Қонуни Масъудий» асари бўлганилиги ҳам айтилган.

Мазкур ҳат яқин орада ўзбек ва рус тилларига таржима қилинишига умидвормиззи, унда XV аср биринчи яримдаги Самарқанд ағанлар академияси — астроном, математик, табиб, географ ва мөъмлорларининг илмий фанниятни ҳақиқоний байди этилган.

«Зинки Улугбек». 1970 йил 28 октябрь куни Самарқанднинг 2500 йиллик юбилеи муносабати билан Урта Осиё фани тарихига бағишланган илмий конференция залларидан биринча — астрономия тарихи секциясида ўнта

ажойиб доклад тингланди. Булар — Улугбек, Али Қушиби, Чагминий, Улугбек расадхонаси тўғрисида эди. Самарқандлик А. Ҳатипов, бокалини Ҳ. Мамадбейли, тошкентлик А. Үринбоеев ва П. Булгаков, хоразмлик Ҳ. Сиддиқов ва бошжалор катта мунозара олиб боришиди. Урта Осиё олимларининг хизмати сўнмас эканлиги ва Фарб фанига таъсири яна бир бор зикр этилди.

Фан тарихининг йилномаси шундай:

1472 йил. Самарқандлик Али Қушиби Истамбулга бориб, Абб Сўфия жомесига мудир бўлди. У Самарқанддан олиб келган «Зинки Улугбек» бир неча нусхада кўчиртирила бошланди. (Улар «Зинки жадиди Султоний», «Зинки Кўрагоний» деб атталган).

1638 йил. Инглиз профессори Жон Гревс Истамбулга келиб, юнонча, арабча, форсча кўләмларни сотиб олди. Шу жумладан, Батлимус — Птоломейнинг «Ал-Мажнун» («Ал-магистр») китоби ва Улугбек расадхонасида тузиленган «Зинкининг нусхаларини ҳам олиб кетди.

1648 йил. Англиянинг йирик илмий марказиридан бири Оксфорд шахрида Жон Гревс «Зинкининг айрим қисмларини нашр этиди.

1650—1652 йиллар. Англияда «Зинкининг айрим қисмларини яна қайта босилиб чиқди.

Тақриз ўрнида

1665 йил. Инглиз шарқшуноси Томас Хайд Улугбек «Зинкини форс ва латин тилларida нашр этиди.

1767 ва 1843 йилларда эса шу нусханинг иккичи ва учинчи нашрлари пайдо бўлди.

Кейин ҳам «Зинки Европада турли тилларда нашр этилган. Кавказлик олим ва хукмдор Вахтанг IV «Зинки Улугбекни грузин тилига таржима қилиди, ўзидан байз изоҳлар қушди, «Зинки» маълумотлари асосида бир қанча координатларни аниқлади.

Ноҳият, 1917 йилда Вашингтонда яна бир нашр юзага келди. Хўлас, Шарқда — ҳатто ўзимизда — факат кўлбезма ҳолида фойдаланилаётган бу асар Фарбда илим ахлига кўп марта манзур бўлди...

Ян Гевелий атласи. Машҳур поляк астрономи Ян Гевелий «Зинки Улугбек» асосида юлдузлар атласини тузид, 1690 йилда Гданьск шахрида нашр этитирган эди. Ян Гевелий «Олдузлар осмонининг атласи» якинда Тошкентда, академики В. П. Шчегловинни тархрига ва кириш сўз билан иккичи марта тўлдирилган ҳолда босиб чиқарилди. Муқаддима ўзбек, рус ва инглиз тилларida ёзилган. Самарқанд расадхонасининг фанлиги ва асбоблари, уни қидириш тарихи, Улугбек мақбарасини очиш ишлари, Фарбда «Зинкининг тарқалиши байди этилган. Ян Гевелий атласи тўғрисида изоҳлар берилган. Атласнинг ўзи аслида Ян Гевелий китобининг иловаси бўллиб, эзлик оптия осмон ҳаритасидан иборат.

Улугбек портрети. Ҳозирги кунда Мирзо Улугбек суратининг бир неча варианти маълумdir. Амир Темур ва Шоҳрӯз тасвирлариган бир миниатюрада теллап кийганд, дўмбокини ўз Улугбек киёфаси ҳам чизилган. Анқара этнография музейдаги сакланадиган бошча бир миниатюрада Улугбекнинг олимлар билан сухбати тасвирланган.

1941 йили Гўри Амир мақбараси текширилган.



XVIII аср кўләмларидаги Улугбек тасвири. Британия музейи. (Ҳар иккана сурат ҳам Ян Гевелий «Олдузлар осмонининг атласи» китобининг 1970 йилда Тошкентда чиққан иккичи нашридан олинди.)

Ганда, Улугбекнинг бош сүяклари асосида ҳайкал ва сурати ишланди. Ҳозирги пайдай Улугбекнинг энг кўп тарқалган сурати шу суратидир.

Ян Гевелий китобида 1690 йилда Улугбекнинг таҳминий тасвири иккى расмда берилган экан. Булар Тошкент нашриянинг саҳифаларида кептирилган. Иккала расмда ҳам Улугбек Бамисоли дучёдаги турли асрларда яшаган Гиппарх, Птоломей, ал-Баттоний, Ко-перни, Тихо Браге, Риччиоло каби астрономлар даврасидаги тургандай. Атлас муқаддимасида бу олимларнинг ижодларига ҳам қисқа қаршиша шарҳ берилган.

XVI va XVIII аср кўләмларига ишланган миниатюралардаги Улугбекнинг тасвири Британия музейи кутубхонаси бор эканни, улар ҳам муқаддимада намоиш қилинган.

Хўлас, Ян Гевелий атласи ва унинг Самарқанднинг 2500 йиллик шаффиғи Тошкентда нашр этилиши накадар мухим илмий воқеа эканлиги шубҳасизdir.

Муаммолар... Самарқанд расадхонаси жадеваллари — «Зинки» хусусида ечилмаган муаммолар ҳали кўй. II асрда Мирсада яшаган Птоломей Самарқанд шаҳрининг географик узунлик ва кенглигини қаердан билди экан! Бунин Искандар Зулкарнайн аскарлари орасида бўлган олимлар ўлчаб кетишганни мазкур қисоблашшар Бобил-Осуряга тараққиети даврига оидмай! Қадимий сўгўлар ва ҳоразмилар ўзлари ўлчаган бўлсаларни! Берунийнинг улар санъатига қойил қоилиб юқсан баҳо бергани маълум-ку! Яна, Улугбек расадхонасининг кутубхонаси қаерда экан!

Ноҳоят, расадхона Улугбек фожиасидан кейин қаончагча ишлаб турди! Базъи бирорлар ёзганича, «1450 йилдардэй вайрон этилганни тўртими» Ахир, Бобир 1490 йилларда унинг «уч ошийнайли» лигини тасвирлаган эди-ку? Агар расадхона анча вақтгача бутун турган бўлса, у ерда Али-Қушчидан бошқа яна кимлар ишлаган экан?

Шундай муаммолар ҳали бир талай, Совет илм ахлари ҳозир шу қадар бақувватли, бундай муаммоларни яқин орада ҳал этсан ажаб эмас.

Журналхонларимизга бир қувончли хабарни ҳам айтиб ўттайлик. Улугбекни улуглайдиган яна бир иш амалга оширилмоқда. Самарқандлик математик Раҳмат Ибодий «Зинки Улугбек»ни ўзбек тилига таржима қилиб бўлди. Уни айни вақтга русчага таржима қилиш ва форсчасини нашр этиш фурсати ҳам етганлиги шубҳасизdir.

Ҳ. ҲАСАНОВ,
география фаннари доктори



Ян Гевелий.

А

охиймиз Ленин та-
валлудининг юз йил-
лиги нишонланган
1970 йил биз учун
ҳам куттуг йил бўл-
ди. «Ўзбекфильм»
студияси, Илмий-ом-
мабоб ва ҳужжатли фильмлар студияси ижод-
кор ҳалқимиз ҳайтини турли томонлардан
киноленталарда акс эттиришга муваффақ бўл-
ди.

«Ўзбекфильм» студиясининг еттига бадий
фильм, учта мультиплексия фильмни, «Наш-
тар» сатирик киноурунларининг тўртсонни, Илмий-оммабоб ва ҳужжатли фильмлар студиямиз эса 65 илмий-оммабоб, ҳужжатли фильм таълораганини қувонлини ҳолдир.

Утган йили ССРР ҳалқ артисти, атоқи ки-
норежиссер Комил Ерматов «Осёй устидаги бу-
рон», «Революция чавандозларин» фильмлари-
нинг давоми сифатидаги «Кора консулнинг ҳалқатиги» фильмини яратди. Унда Бухоро
амриклигининг инкоризоти ва Бухорада Совет ҳо-
кимиyatининг ўрнатилиши қизиқарли ҳикоя ки-
линиди.

Истеъодли кинорежиссер, Узбекистон
ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Али
Ҳамроев яратган «Фавқулодда комиссар»
фильмидаги ўзбек ҳалқининг содик фарзанди Низомиддин Ҳўжаев, унинг жанговар сафдо-
ши В. Кобозевнинг фаoliyati, озодлик ва тинч
ҳётатда ташнах ҳалқ кураши ўз аксими топди.

Кинорежиссер Ҳ. Аҳмаров ўз сценариийи
асосида яратган «Чашма» фильмни эса замо-
навий мавзуга бағишланган. Фильмни киши мав-
навий дунёсининг мурракаблиги, унга баҳо
бериша оқилона иш тутиш зарурлиги ҳаки-
да бахо этди.

Ф. Ҳўжаев сценариийи асосида режиссер
А. Ҳачатуров суратга олган «Ҳазирима қў-
ёш остида» фильмидаги пастедан мўл хосил
етиштириш, илгорлар тажрибасини оммалаш-
тириш учун олиб борилган кураши кино тили
 билан ҳикоя қилинади. Фильмдаги Ермат ота
 образини ССРР ҳалқ артисти Наби Раҳимов
яратган.

Замонамиз ёшлари ҳакида ёзувчи Одил
Ёкубов ёзган сценарий А. Қобиловнинг «На-
хотки аломат бўйсум» фильмига асос бўди.
Асадар инсоний муносабат масалалари кўта-
риланган.

«Ўзбекфильм» студияси 1970 йилда телевизи-
он бадий фильмлар яратишида ҳам даст-
лабки муваффакиятларни қўлга киритди. Бу
ишига Узбекистонда хизмат кўрсатган санъат
арбоби Латиф Файзиев биринчи бўлиб ки-
ришида ва «Темур Малик» фильм-балетини
яратди.

Э. Каримов билан М. Оғамирзаев ҳамкор-
ликда улуг ҳинд адаби Рабинданрат Тагор
асари асосида «Нур ва соялар» телевизион
фильмини яратдилар.

Ёш авлодни тарбиялаш кинематографиячи-
ларининг доим дикрат марказида бўлиб
келди. «Ўзбекфильм» мультиплекторлари

кинокинотойларга атаб «Қизча ва юлдузча» (ре-
жиссер Т. Камолова), «Айиқ сайилда» (ре-
жиссер Ю. Петров) ва «Шодон юрак» (ре-
жиссер З. Ройзман) сингари фильмлар яра-
тишиди.

Утган йил студия дубляжчилар группаси
учун ҳам серунум бўлди. Улар қародош рес-
публикалар ва чет эл студияларни ишлаб
чиқарган 90 кинофильми ўзбек ҳамда қорақал-
поқ тилларига таржима қилдилар. Таржима
савиши анча кўтарили.

Ўзбекистон Илмий-оммабоб ва ҳужжатли
фильмлар студияси ишлаб чиқараётган фильмларда
республикамиз ҳайтини бўлбай ўтган муз-
хим воқеа-ҳодисалар, саноат ва қишлоқ ҳу-
жжалиги, меъморчilik va медицина, санъат ва
адабий соҳаларни қўлга киритилган муваффакиятлар
ўз аксими тоғомда.

арбоби Шуҳрат Аббосов ёзувчи Сайд Аҳмад
билан ҳамкорликда «Мұхаббат мажораси»
номли фильм устидаги иш олиб бормоқда.
Фильмга Сайд Аҳмаднинг «Ўғқу романи асос
килиб олинган. Унда оила, турмуш муммона-
ри ўз ифодасини топади. Ёш режиссер Ҳаби-
булла Фақиев эса ўзбек ҳалқ эргати асосида
«Семурғо» фильмини суратга олмоқда.

Мультиплектор ҳам янги-янги асарлар
яратмоқда. «Чуғурчук тулкини қандай аллади»
(М. Ҳакимов сценариисти, постановчаки-режис-
сер Ю. Петров), «Резмат, Аҳмад ва ўзиги»
(сценариист автори Ф. Мусаконов, режиссер
Т. Камолова), «Мушук ҳаёли» (Д. Булгаков
сценариисти асосида З. Ройзман постановчаки)
сингари мультиплекторлар кинокинотойларга муз-
носиб совға булади. Уларда фильм авторлари
караплобик алдамчилик, фиризларлик каби
ярамас иллатларни фош этадилар. Сергаклик,
дононлик, ақл-идрок қишини ҳамиша ҳавф-ха-
тардан сақлаб қолиши ҳакида ҳикоя қилади-
лар.

Илмий-оммабоб ва ҳужжатли фильмлар студиясини
биринчи галдаги вазифаси «Ленин ва Туркистон» тўла метражли ҳужжатли фильм
тайванишадир. Бу маъсулнинг ишни ба-
жариниши улкан санъаткор Малик Қаюмов билан
журналист Георгий Димов зинмаларига
слаганлар. Улуғ доҳиймизнинг Туркистон ҳали-
ларига ғамхўрлиги акс эттириладиган бу
фильм партияизининг XXIV съездига мунособ
совға булади.

Инкоди коллектив бундан ташқари яна
ССРР ҳалқ артисти Мукаррама Турғунбоева-
нинг ҳаёти ва ижодий фолиолига бағишлан-
ган «Санъатга бағишланган умр», ўзбек жан-
чиларининг ҳархамонлариги, жасоратини та-
ранум этиви «Ўзбекистон Улуғ Ватан уруши
йилларида» деган тўла метражли фильмлар
ҳам яратади.

Студия «Ташкентнинг қуочи очиқ», «Гафур
Үзум», «Раис», «Янги йил», «Муҳиммий», «За-
рафон водийзи», «Менинг қорақалпогим»,
«Юлдуз ўз эгасини топади», «Академик Су-
лаймонов» сингари бир қанча фильмлар чи-
каришини ҳам мўлжалайдайди.

Бу йил КПСС XXIV съездига бағишлади ба-
дий ҳамда ҳужжатли фильмлар фестивалла-
ри ўтказилиди. Бунда Совет Итифоқи студия-
ларининг ярим аср мобайнида эришган ул-
кан итюқлари намойиш қилинади. Қизиқарли
сүхбатлар, фильм яратувчилари билан учра-
шувлар ўтказилиди. Ҳар йилгидек ёшларга
аталган фильмлар фестивали, қишлоқ ҳуж-
жалиги фильмлари кўргиши ўтказиш режамис ҳам
бор.

Ўзбекистон кинематография ходимлари Ян-
ги йилда ҳар қаёнгидан ҳам зўр иштиқб
билач иш бошлайдилар. Улар бу йилни ҳам
ижодий зафарлар билан якунлайдилар, деган
умиддамиз.

Муҳсин АЛИЕВ
Ўзбекистон ССР Министрлар Совети
Кинематография давлат комитети
раисининг ўринбосари

Булбул

Тили билан чертармиш юрак созини булбул,
Шундан, оҳанг сеҳрига банди бўларкан одам.
Тили билан чертармиш юрак созини булбул,
Шундан, митти тилида эриш кетаркан олам...

Тили билан чертармиш юрак созини булбул,
Унинг жажаки юраги — минт битта кўйга маскан.
Ҳар кўйига беркинган эмиш ошифт кўнгил,
Бироқ бечора булбул бирин аспо топмаскан...

Тили билан чертармиш юрак созини булбул,
Ийголган қабл парчасин кўмсамасини кўйи!
Кўйларини бирма-бир тақору этаркан бўткул,
Ўша бир кўй дардидга ёнаркан ўмр бўйи.

Тили билан чертармиш юрак созини булбул,
Балки ўша кўйин деб юрак янгрок шу қадар.
Балки у — эни эзгу сир, балки изтироб нукул,
Балки олий нафрат, ё қалбда тош хотган қадар...

Минҳожиддин ҲАЙДАРОВ



Жүрәбек

III

архисабзелик ёки ки-
тоблик қарилар гу-
рунгига бўлсангиз,
кўпинча сухбат Жў-
рабекка тақалади.
Шу баҳона бўлиб
Жўрабекнинг ҳаёти
билан тўлароқ танишиш мақсадида тарихий
адабиётларни дараклаб кўрдик.

Бир неча манбада Китобнинг соғиқ беги, кейинчалик генерал-майор Жўрабек Қаландар қори ўғли ҳақида, унинг кўлгина фазилатлари, она юрти учун қитган хизматлари ва баҳодирлиги тўрисида фикр юритилади. Жўрабек билан шахсан таниш бўлган машҳур шарқшунос академик В. Бартольд унинг кенг билимга, зakovatiga, истеъодига яхши баҳо берган эди. Суҳбат 1902 йилда академикнинг генерал билан шахсан учрашивада бўлиб ўтган. Олим аллакачонилар Жўрабекнинг бўл кутубхонаси қўлъемаларни ўргана бошлаган эди. У 1912 йил А. Семёнов ва Н. Петровский ҳамкорлигига Жўрабекнинг қўлъемалари рўйхатидан туда ва 1906 йил содир бўлган сунъасидан сунъ қўлъемалар Жўрабекнинг Корасувдаги боғидан шахарга кўчирилган сабаби, уларнинг катта қисми йўқолганидан афсусла-нади.

Ана шу қўлъемалар Жўрабекнинг илми шу-
уридан ҳамда бир неча тилини эгаллаганидан
далолат беради. Қўлъемалар ичада «Бахрул-
асрор», «Тарорхи гузидга-Нурсратнома», «Жо-
ми - ут-таворих», «Тарорхи соҳибқирон Амир
Темур Кўргагон», «Равзат ус-сафо», «Тарорхи
Бинокати» сингари совет шарқшунослиги учун
хизматли манбалар ҳисобланган нодир асар-
лар бор.

В. Бартольд асрларининг иккинчи жилди-
даги «Шаҳер ҳаёти» мақолосида 1876 йили
Жўрабекнинг Петербургда бўлган Шарқшунос-
ларнинг Ҳалқаро конгрессидан қатнashgанини,
рус тилида дуруст гапиришини эслатиб ўтади.
Олим яна шу жилдан ўрин олган «Туркис-
тон маданий ҳаёти тарихия мақолосида қўйи-
даги далилларни келтиради: Китоб ва Шахри-
саъз ўз мустақиллиги учун курашган эди.
Китоб беги Жўрабек ва Шарқисаба беги Бобо-
бек Бухоро амирлигига хирож тўлашдан бош-
тортганлар. Амирлик истибодига қарши бу
депарларда ҳаққи қўзғолонлари бўлиб ўтган.
Жўрабек ҳаммижит қўшиларни беклар кўмадида
Сайд Музаффарнинг бир неча юришини даф-
қииди. Амир уринишлари зое кетаётганини
фаҳмалб, Туркистон генерал-губернатори гене-
рал фон Кауфмандин ёрдам сўради. Кауфман
Бухорга ўйл олганда, Жўрабек унинг Самар-
қандаги гарнизонига ҳамла килди. Кауфман
императордан қўшимча куч сўраб олди. Амир
сарбозлари ва чор қушинларининг ҳамкор-
лигига 1870 йилнинг августида Китоб ва Шах-
рисаба ҳал қўзувни юриши бошланди. Нихо-
ят кучлар нисбати тент бўлмаган бу жанг-
да ёнгилган Жўрабек ва Бобобек Қашкар то-
монга қочиша маҳбур бўлдилар. Аммо
Кўкон хони Худоёрён Жўрабек ва Бобобекни
тутиб, генерал-губернатор ҳузурига жўнатди.

Бухоро амирлиги ва бекликлар даврининг
ижтимоий манзарасини ёркин тасвирлаб бер-
ган иккни манба айниқса мумхидир. Бунинг би-
ри — Мирза Абдулазим Сомийнинг «Тарорхи

салотини Мангития», иккинчиси — Муҳаммад Шарифининг «Тарорхи асари. Гарни Сомий амиринг мунисиси, Муҳаммад Шариф эса йирик амалдор ва амир тарихнависи бўлсада, улар тарихий ҳақиқатдан кўз юма олмаганлар. Сомий талай депарларининг Бухорога тобеликдан бўйин товлаб кетишига бирдан-бир сабеб зулм-ситам ва оғир хирожлар эканига ишора қиласди. Утган асрга оид тарихий қўлъемаларни ўрганиб чиқсан олим Л. Епишонованинг беън қилишина, Сомий амир Сайд Музаффар Шарқисаба ва Китоб ҳокимлари билан феодал урушларни бошлаган пайдай (1863—1864) Бухоро қўшинига мунши этиб тайинланган. Демак, амирлик сиёсатига қарши кураш фақат 1866 йилдан бошлаб, ўзини амир Сайд Музаффарнинг подши хукумни билар сулҳ тузганидан сўнгигина авж олмаган. Бу нарса амирликдан зулм кўрган беклар учун бир баҳона боштаган, холос. Зулмкаш амирни ҳимоя қилишден ҳеч қайси беклик манфаатдор эмас эди. Сайд Музаффарнинг ўғли Кетта Тўра (Абду-
малик) отасига қарши «ғазоват» эълон қилди.



Жўрабек уни ҳам қўлламай қўйди. Тарор фан-
лари кандидати Г. Тўхтаметов «XIX асрнинг
охири, XX асрнинг бошида Рус — Бухоро му-
носабатлари. Бухоро ҳаққи революциясининг
ғалабасиги деган тибобда худди шу йиллари
Фузор, Кармана, Ҳисор, Кўлоб, Шарқисаба,
Китоб, кейинроқ Қарши шаҳарлари Бухоро
амирлигининг ихтиёридан қичиб кетган эди,
деб кўртади.

«Ўрта Осиё» очерклари китобининг муаллифи,
машхур географ ва саёҳатни Д. Логофетт-
нинг ёзишича, Жўрабек Шарқисаба ўлқасидан
чиқсан ажойиб ҳаслардан бирин. У ҳамиши
ҳалини қўйлаб-қувватлаши туфайли мустақил-
ликка эришади, амир билан мунтазам кураш-
да қўли баланд келавериади. Жўрабек қуай
ҳолларда чор қушинларига ҳам қаршилиг кур-
сатади, 1868 йилда уларнинг қароргоҳига бос-
тириб боради... Генерал Абрамовдан енгил-
гандан Кўконга қочади...

Фон Кауфман бўтун ўлқага танилган Жўрабекни ўзига қиянлашибири, унинг ерли ҳаққи орасидаги обрийдан фойдаланган мақсадида уни хизматига олади. Жўрабек бу ерда ҳам ўлка учун кўп хизмат қиласди. Шу сабабли унинг мартаబаси пояс-поя ошиб боради. Генерал Сковелевнинг экспедициясига қўшилиб,
Кўкон хонлигига қарши урушда тактик маҳо-
рат кўрсатади.

Д. Логофет Жўрабекнинг фақат ҳарбийлар ўртасидагина эмас, бутун Туркистонда ҳурмат ва эътибор қозонганини изоҳлайди. У Жўрабекнинг Қўйлиқдаги боғига вахшиёна ўлдирилганига тўхталиб, бу сунъасидни «ваҳшатли, сир-ли қотиллик» деб атади.

«Тўркестанские ведомости» газетасининг 1906 йил 29 январь сонидага генерал-майор Жўрабекнинг вафоти муносабати билан эълон қилинган таъсизида эътиборга лойиқ маълумотлар берилган. Унда Жўрабекнинг мураккаб ҳаёт йўли, тақдирланган хизматлари бир-бир сабаб ўтилади. Марҳум матнавий фазилатлари, бақувват жисмига муносиб заковати, соғдилиги билан худди руслар орасида ҳурмат қозонгани каби, ватандошларининг ҳам мұхабатига сазовор бўлган эди. Эздошлар унинг маслаҳати ва кўмагига эҳтиёж сезар эдилди.

«Европача қарашларни ўзлаштирган ҳол-
да, дейилади таъзия сўнгига, — ўзининг
ддин ўтиқоидидан воз кечмади, умрининг
охирига ўз миллатига содиқ қолдия.

Манбашунос олимимиз Фузайл Исломов-
дан Жўрабекнинг класик ширинаримизнинг
асарларини нашр этиргани ҳақида эшитган
эдик. УзССР Фанлар академияси Шарқшунос-
лик институтининг кекса имий ходими Абдула
Носиров билан учишганимизда бу ҳақда
асарларининг тўла библиографиясин тузаб-
ганида Муҳаммад Юнус Муилла Бобоқон Шаҳ-
рисабз қўйиган «Алмас», «Мажбул» ул-ку-
луб қўлъезма асарларига дуч келибди. Ҳаттот
китобларни «Жўрабек доддо. Фозий фармони-
га бинонон» кўйиганини қайд килиб ўтган. Ҳаттот
Шарқисабзалигига ҳам «Лисон ут-тай»,
«Чордевон», «Ҳамса» (бошқа нусхаси) китоб-
ларини ҳам қўйириб ёзгани маълум экан.
Демак, Жўрабек уни дуруст ҳаттотлиги учун
ўз ҳузурига қачириб олган. Бошча кўп қўлъ-
езма асарларни ҳам Жўрабек ана шундай ҳат-
толтварга кўйиририб борган,

Жўрабекнинг юртада бўлганимизда у ту-
ғилган қишлоқни сурништирид. Тароқли қишло-
қли эски ўрнидан Шарқисабзининг «Гулстон»
колхози майдонига кўйичди. Бунга, чамаси бир
аср ўтган. Кекса отaxonлардан эшитганилари-
мини янада тўлдириди, боритади. Шу қишлоқ-
лик тўқсон яшар Ҳудоёйкул бобо Нурматов-
нинг ҳикоя қилишича, Жўрабек йўл курилиши-
га, савдоға ётиб берган. Бу даврда Китоб,
Шарқисабз бозорларida ҳинд, афғон молла-
ри сотилган. Мадрасалар очилган, чўлларга
сув чиқарилиб, дехоннинги ривон топлан. Ҳақ
оғир солиқлардан озод қилинган. Бухоро
амирлари бу депарларга бирор марта ҳам
жиддий шиккат етказа олмаган.

Бобобек туғилган Очамайли қишлоғидаги ис-
тиқомат қилаётган Алихон бобо Азизов, Си-
рох бобо Мехроқов, Ҳасонхон бобо Шохир-
хоновлар ҳам Жўрабекни кўрганилар, улар бил-
ганиларни мароқ билан сўзлаб бердилар. Кит-
обининг сеҳроҳи қишлоқлари ва маркази уч-
ҳалиқ — мудоғаҳа деворлари билан ўраб
олинган. Энг четки ҳаққи Қашқадарё ва Оқ-
дарё қирғоқлари ёқалаб ўтади. Бу эса ёв бос-
кинини даф қитариши учун катта ўнбайлик
түғдирган. Сўнгти ҳақиқаден ташкарида ҳам
қаъла ва кузатув тепаликлари жойлашган. Жў-
рабек мерган ва пахлавон бўлган экан. Амир
сарбозларини бир ўзи галма-ғал йигирма ми-
лият билан ўқса тутибди.

Олакўйлик қишлоғидаги кексалар ҳам Жў-
рабекнинг зироат ишларига берилганини,
сунъий кўллар барпо килганини эслайдилар.
Шу қишлоқлик Йўлдош мурт деган қиши Жў-

Тадқиқот, қашфиёт,
ахборот

рабекка навкар бўлиб хизмат қилган. Жўрабек унинг жасоратини тақдирлабди: навкарга Ола-кўйиқ ва Бектемир қышлогогининг қоқ ўртасидан оқадиган Бектемир анхорини ҳада қилибди. Йўлдош-мурот бу кутимаган ҳадядан ажабланган экан, тадбиркор Жўрабек унга муддаосини тушунириди: «Анхоринг у бозидан-бу бошигана боф-роғ қиласан, сенинг ана шу ҳайрли ишиндан ҳамма баҳраманд бўлсин», дебди.

Кўччилик қариялар, Жўрабек Қаландар қори ўғли ёшлигига китоблик жўвачи бойнинг хизматкори эди, у энг аввал бўхоролик полвонлар билан кураш тушуб, донг чиқарган эди, дейшиди.

Жўрабекни кўрган-бигланларни Тошкент шахрининг Ҳамза районидаги Кўйиқ мавзеидан ҳам дараклади. Бу ерда Жўрабекниң кўринишлари ва уни кўрган кишилар билан учрашди. Жўрабекниң эвара-чеваралари орасида таникли, обруёли кишилар бор. Айниқса, Кўйишиб өнчасида истиқомат қилувчи саксон тўрт ёшли Убайдулла бобо Исламтулаев генерал тўғрисида кўп нарса билар экан. У генералнинг шаҳар ичкарисиде, Кашқар маҳалласидаги ҳовлисига кўшини турган, «Баҳор ва ёз ойларидан,— дейди Убайдулла бобо — Жўрабек Корасувдаги боягид турарди. Қишида эса бизга кўшини ҳовлисига яшарди. У саломимизга алиқ оларди, ҳайт кунларни бутун маҳалладаги бола-баракрага бир сўм-ярим сўм ҳайтилик улашиб чиқар эди.. Жўрабекниң жонига қасд қилинган кунни саҳарлаб Корасувга еткел келдик. Айон олдида кумуш танглар сочилиб ётиди. Жўрабекниң кескир қиличи эса йўғон тераккинг ярмигача ботиб қолган. Генерал Жўрабекни ҳарбийлар тўпдан ўқ узиб дағи қилишди. Ўши куни тумонат одам тўплланган эди. Билишимча, Жўрабек етмиш ёшлар чамасида ҳалок бўлган... Жўрабекка қасд қилинлар ҳали уни тойиб йикисин, деган нијатда унинг обғи остига бир халта кумуми тангани сочганлар. Жўрабек эса душманларига кескир қиличи билан ҳамма қилганда қилич теракка ботиб қолган. Уни тортиб олиши мушкул бўлган,

«Жўрабекниң Бойча саркор деган хизматчиси ҳам менга таниш эди,— дейди Убайдулла бобо,— у Жўрабек билан Кўкою юришига қатнашган. Жўрабек Туркистон генерал-губернаторлигининг Кўкоюнга ҳарбий юришига отла-наётганини эшишиб, ҳали бор-йўғи майорлик увонингга эта бўлишига қарамай, бу вазифани ўз зиммасига олибди. Ушанда Жўрабек: «Русия қудратли тўпларга эга. Ҳон бунга чидаш беролмайди. Мен шаҳарни қон тўкмай ишғол қиласман. Мусулмонга тиф тортиш биз учун гуноҳи азимъ, дебди. Жўрабек ҳакикатан ҳам бунга эришибди. Ҳудоёрхон кўлга тушгач, Жўрабек унинг кўзи олдида ҳазинадаги олти арава кумуш, олтин пулларини фуқарога тақсимлаб берибди.

Убайдулла бобо менга генерал-майор Жўрабекниң Корасувдаги мақбарасини кўрсатди. Кўркам, ҳашаматли мақбара марҳумининг вавиятига кўра, фарзандларни томонидан курнган экан. Батзи сабабларга кўра, йигирманчи йиллари марҳумининг хоки шаҳарнинг Шайх Хованди Тоҳир мақбарасига кўчирилган.

«Жўрабек боф-роғ қилишга жуда ишиқибоз эди,— дейди бобо. — Корасув атрофлари ҳали-ҳалига мевазор. У Тўйтепада ҳам минг гектар ерни мевазор боф қилган эди. Губернаторликдан олган нафақасини ана шундай ободончилик ишларига сарф қилган, шекили. Ҳа, айтганча, Бобобекни ҳам танирдим, у полковник эди, ўз ажали билан Жўрабекдан саккиз йилча олдин қазо қиди. Жўрабекниң тўнгич ўғли (унинг яна икки қизи ҳам бор эди) Оллоқулибек Қизил Армияда хизмат қилган, саркарда Михаил Васильевич Фрунзе кўл остида ишлаган. Оллоқулибек бизниснинг китоб мутола қилгани келиб турарди...»

Жўрабекка таниши бўлганиларнинг ҳикояси кўп ва хилма-хил. Булардан куринадики, Китобнинг собиқ беги, сўнгроқ генерал-майор мартағасига кўтарилиган Жўрабек Қаландар кори ўғлининг ҳаёти ва фаолиятини объектив тўрганинг тарсихчиларимиз олдида турган ишларден бўриди. Биз изоҳлаган манба ва далиллар мураккаб ҳаёт ўғлини босиб ўтган генерал Жўрабек тўғрисида тўла-тўқис ҳукм чикаришга ҳали етарли деб бўлмайди, албатта.

Кидириш давом этади.

Мурод ХИДИРОВ.



СССР Давлат мукофоти ва Ҳамза Номидаги республика Давлат мукофоти лауреати, СССР ҳалиқ артисти Рассол Ҳамроев бутун умрини ўзбек театр ва кино санъатига багишилаб келмоңда. Атоқли санъаткор қирқ йилдан зиёдроқ давр мобайнида театр саҳнасида юздан ортиқ, кинода эса қирқча яхин роль иккаки этди. Рассол Ҳамроевнинг «Тоҳир ва Зухра», «Алишер Навоий», «Насридиннинг кечимишлари» фильмларида праттак ажойиб образлари совет кино санъатининг ўлmas қаҳрамонларидан бўлиб қолди. Ун олти йилдирки, у, Муҳиммий номидаги Узбек Давлат музиналии комедия театрининг ижодий колективига бошичиларни кимлоқда, А. Островский номидаги Театр ва рассомин институтида бўлажан санъаткорларга саҳна сирларидан тавлиим бермоқда.

Улкан санъаткорни кўп минг сонли «Гулистан» журналхонлари номидан қизғин кутлаб, ижодига яна ҳам юнсак парвоз тилаймиз.

А. ВАНШТЕЙН фотоси



Гафур ФУЛОМ

БОЗОР ОРАЛАБ...

ҲИКОЯ

Расмларни Л. АБДУЛЛАЕВ чизган

Авторнинг шахсий архивидан олинганинг ҳам бу хикоядаги воқеалар «Шум бо» киссанасидаги саргузаштларнинг давоми бўлиб, 1941 йилда ёзилган деб таҳмин қилинади.

...Устунига бир бօғ исириқ боғланган дўкончинг олдига бориб хаёл сурб қолдим. Дўконда лўпидан келган, оппоқцина ёш дўкондор эгнида оқ жужун пешмат билан қизил шойи белобоғ, обигиа чоқига дурган ўралган, кўйжининг жигига пистон қадалган амирконо махси, босида зар дўпли, кўлида қўш тилла узук, оқ сурп иштон, нозик тақтиған икки бօғ пиёзедек ипак иштонбонни писандада қилгандай осатириб, чордона қуриб, эснаб ўлтирад эди.

Ўтган-кетган ялангитш юсбиччалар, ҳал-фалар яқакирифт бўлиб таъзим билан салом берик ўтар эдилар.

«Меросбовачча бўлса керак», деб ўйладим. Давлатига ҳавасим келган бўлса ҳам, қилинадар энсанни қотирар эди.

Салом берик ўтгучи норгул бир йигитдан:

— Ака, бу киши ким? — деб сурдид.

Йигит менги бир ўмрингидан тикилдида:

— Қоч, айбаки, «сиртини» сурнинтириб нима қиласан! Абдураззоқ ҳожи дўкон қилиб берган. Укалари...

— Ҳа-ҳа, шунақами? — деб ўта бердим.

Воғурушилик растасидада асосан тўрт тоифа бўлар эди: дўкондор, қасаначи, девкор, ҳалфа ва шогирлар. Дўкондор — маълум. Қасаначилар эса, кучисиз девкорларга танавор ҳаражати берик, поғайфал тикидиради. Девкорлар бўлса катта дастроғ эгаси бўлиб, бирмунча ҳалфа-шогирларни эксплуатация килядиган. Ҳалфа уста дарражасига етиб тахта оркасига ўтиларидиган дарражада ҳунарманд бўлса ҳам, ўзи дастгоҳ куришга курби етмаган, уста пир бермаган (девкордан фотиха олмаган) қишилар эди. Шогирлар маълум — ёлланник ишловчилар.

Жаҳон уруши кундан-кунга кучайб борганилиги учун молларга ҳаридор кам, ҳамма бозор деярли касод эди. Бозорни дўкондорлардан ташқари, уста-шогирд босиб кетган.

Қасаначи ва девкорларнинг давлатига қараб шогирд ва ҳалфа баччаларни иккита-бўлиб ёғочга этик ва маҳсиларни чизб, олдининг қолларига қўйиб юрар эдилар.

Бир юз тўртга кириб ўлган Рокия бувим: «Айланай, қиёмат бўлганда осмондан... ёғади», дегучи эди. Хато айтган экан. Бузордада этик, маҳси-кавуш ётилибди. Даллоплар ҳаридор билан сотувчининг кўлни ушлаб, тўксон олти қасам ичар эди. Уларнинг кўйини елкасидан узилгундай қилиб «бо барака топ», деб сийлар эди. Аммо ҳаридор, меросига қизиқиб ўғай аммасига ўйлантирилган йигитдай, юзини тера ўтирад эди.

Ичимда айтаман: «Бу бузорда мендан бошқа жазман ҳаридор ҳам йўқ, нақд пул ҳам йўқ». Шу гапимни ўйлаб туриб нақбозлинида ўзимни Захар Морозовдан ҳам давлатли ҳис қилдим. Чунки менинг векселим протест бўлиб синганича йўқ.

Шу фикр билан, қирктача укфа айбаки, ағдарма этикларни ходага солиб икки томонидан шогирдларига кўтаририб йўлкада етиб ўрам кўк белогонигин устидан беленин ушлаб ҳаёл сурб турган кора соколли қишига:

— Девкор ака, тухум-тўчоқ аралаш неча пулдан, қочирмасдан айтинг! — деборибман.

Устозлар меросидан



Кўйконлик олим, шоир ва хаттот Мулла Сулеймонқул Уста Суярқул ўғли Рокий ўз даврининг тараққийлар парвар шоирларидан бўри эди. У яхши тарихт ҳам эди. Мисол кечиб, буюк мутафаккир шоиримиз Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-иафоси» асарини 1911 йилни ёзгирив таҳрир мана бу тарихин айтган:

Юз шукурки таҳрир топиб ушбу китоб. Сўз ахлиниң ахволида келмиш неча боб, Битмакчи эдим мен рақами тарихин Дафтар юзини тазкира олди қуршаб.

Бунда тарих моддаси «тазкира» сўзи бўлиб, унданда ҳарфларнинг рақами сонидан 1325 ҳосил бўлади. Бирок бу рақам ийли тарихига 4 етмайди. «Дафтар юзини тазкира олди қуршаб» ишоратига кўра, «дафтар» сўзининг юзи, яъни бошлангич ҳарфи дол [:-]нинг адади 4 «тазкира» адади 1325 га кўшилса, 1329 рақами ҳосил бўлади. Демак, китоб кўчирилган йил

хижрий 1329 (мелодий 1911) йил экан. Мана шу тарих ҳам Рокийнинг бу соҳадаги зўр маҳоратидан шаҳодат беради.

Рокий бирмунча асар, кўпгина бадиҳа шеър ва газаллар мерос қолдиранган. Булар орасида ҳалқ мақоллари асосидада ёзилган тўрт юзга яқин зарбулмасал рубоийлари алоҳида қимматига этадиган.

Шоир Рокийнинг менга устодлик ҳуқуқи бор. Мен бу билан фаҳрланаман. Мен 1910 йили домуллам Рокий қўлида жами ҳат — йирик ҳарфар ёзишини машҳи қилганман, форс-тоҷик адабиётини ўрганганиман.

Тўсатдан берилган бу саволдан девкор чўчиб тушди. Мендан нақд ҳаридорнинг қадрига етмаган девкор бирдагина сўйга кетди:

— Ўт, ўт! Бор, тошинни тер! Ҳам, тавба.. Қайси қўшич-қўланчиларинг ялангоёқ қолди! Беш юзлаб коренда, қўшич-қўланчиларни, Зоғарикин сўраб ётган Йўлдошбекнинг ҳам товутига калхат очипти...

Нимага бу одам мени сўқади-я, Йўлдошбек бўлмасам, Гадойбойдирман...

«Сайн ҳам сайил, саргардон ҳам сайил», дегандек, шу томошани ҳам бир кўриб қўйичи, фурсати келганди айтиб берик юрарман.

Нарироқ бориб, мендан икки ёш каттароқ, қалеми бўздан пахтали тўн кийган кўраги очиқ, кўнглимадиги этикни елкасига ташлаб, мен еб у куруқ қолганден хомум серрайб турган, ранги заҳим, сўриб ташланган эрта пишар шафтолидек оғзин ўспирин йигитга рўбарў келдим:

— Оғанини, этик муборак бўлсин, неча пул бўлди, ҳайит ҳам яқин, буюрсин.

Ўспирин вабо теккан гурракнинг боласицдек туклай сарни юзидаги маъсъ кўзларини менга тикиб ҳаёл суриб қолди. Бирдагина сескашиб ўзига кепди:



Дафтарларим ичидаги Рокий зарбулмасал руబоийларидан еттиласи сақланниб қолган экан. Буларни домуллам ўз қўллари билан ёзб кўйган эдилар.

Устод Рокийнинг ўксак бадиҳи қимматига эга бўлган бу оригинал шеърларини «Гулистаннинг мұхтарынан ўқувчиларни билан баҳам кўриши лойиқ топдим.

Абдулла ЖУВОНМАРДИЕВ, Филология фанлари кандидати, Абӯрайхон Вероний номидаги Шарқшунослик институтининг илмий ходими





— Мени мазах қилмаган битта сенмидинг, оғайни, этикни соттани олиб чиққанман. Бозордан шундай зерикдимки, ўлбі кетай агар, олғаннага сотаман. Озиң-әзіб уста битта посира беріп эди. Үзім тикиб, үзім олиб чиқиб эдим. Устам күріб қолиб боядан бері: «Жұна, жұна, падарнің лаънат ҳароми, ҳалы бозорға ўзбошима мол ҳам олиб чиқедиган бўлиб қолдингми? Бозор куни үзимнинг молларым билан бирга сотиб берар эдим-да», дейді. — Шу гапдан кейин үспириң йығламсираб давом кильди: — Буларнинг сотиб берганы күрсін. Биттаю битта онам бор. Энди сархаста бўлғанларида Муборак бойвачанинг кирини юваман деб, үзлиб, яна ётиб қолдилар. Бокишишга пулим йўк.

— Арафа бозорида қанчага олар экан? — дедим.

— Ҳали унга бир ярим ой бор.

— Айтавер-чи?

— Беш сўм.

Липланы ковлай кетдим. Үспириң мени энди «Эрмак қиялти», деб ўйлади шекилли, шикоят ая нафрат билан менга иккиганиб қарраб турер эди.

Тутунчанинг оддим. Латтани ечдим. Битта беш сўмлик тиллани олиб, үспириңнинг қўлига бердим:

— Ма, бо барака топ!

Ҳар икковизининг кўзимис ёмғирдан кейинги фунчага ўшар эди.

Бошқа гап галиришмадик, этик елкамда, дийқатим ошган. Одамларга елкама-елка туртишиб бўлса ҳам ерга қараганимча саррочлик, заргарлик расталарини босиб, чопон бо-

зорига — кийим-бош бозорига бурилдим. Айтб ўлтиришинин ҳожати йўқ. Бир талай мажаролардан кейин үзимга муносиб миена қўл тўн, яхтак, позим, белгол ва бошқаларни олиб бу сарволарни белбоқа туддим.

Маънослик билан кетиб борар эдим, саҳифлидаги бир китоб дўёнининг олдида ёш муллабаччаларнинг тўпланиб қолғанлиги менинг дикқатимни ўзига тортди. Муллабаччалар талашиб-тортишиб янгигина босмадан чиқкан, ҳали бўйларининг хиди кетмаган бир калингина китобни олмоқда эдилар.

«Мулланинг айтганини қил», деган гап борку, деб ўқолсан ўқирман, бўлмаса уннаб кўрарман, дедим-да, ҳалигиларни ёриб-йиртиб ўтдим:

— Саҳифа почча, менга ҳам биттасини беринг. Ирим қириб олиб кўй.

Муллабаччалар ҳахолашиб кулиб юбордилар.

— Буни сен нима қиласан?

— Сизлар-чи?.. Мен ҳам таталаб кўраман. — Тушумарникансан?

— Кўп мадрасаларни кўрганман.

— Ҳатми кутуб килганинг башарангдан кўринни турди. Хўп, қани, айт-чи, нодоннинг маъноси нима?

— Үнгдан ўқисла ҳам, чапдан ўқисла ҳам сизлар ва базилар.

— Баракалла, — деди мўйисафид саҳифо. — Давлатни бўлганида тўн кийизар эдим. Етти танга бир мири бер-чи, қани. Бола, пулнинг бўлса шу китобдан олиб кўй, пешсанандга юлдуз кўриб турибман.

Жарақлатиб санаф бердим.

Муллабаччалар ўнгнинг-чапнинг арабча нима дейлишини ва қайси фазла яъфалуга тушишини, феълми, сифатми, исими маконни, исими замонни, алланималар деб қолиши, билмадим. Китобни қўлтиқлаб мен кетдим.

Фурсат келганда айттарман, бу китоб «Хамса»ни Алишер Навоий экан.



Устозлар меросидан

РОЖИЯ

ЗАРБУЛМАСАЛ РУБОЙИЛАР

Даврон эпи эту пўстингга киргайдур,
Кирса сенинг қошу кирпикинг тергайдур.
Зинхор ўзингни ёр оларга олма!
Қассоб эса ошнога сўнгок бергайдур.

Қўлида на эрса тикма кўз ҳечкимининг,
Шикваснда дого қилма сўз ҳечкимининг.
Иш қилки, бирорага бергучи бўлма, зарар,
Ҳалвойтарига солма туз ҳечкимининг.

Қаерда эса юр үкүқидин! сен қочибон,
Қолма силадин² ғамири кўнгул ичра ебон.

Ҳолинга назора қил, маолинг³ ўйла,
Сотгунгму отангни чакса кепакни дебон!

Гар истасанг очун⁴ ичра жонингга амон,
Бошминлигнинг⁵ олғиг ўздину тут фармон.
Ҳар эр эса они яхши бил, ўзни ёмон,
Бўғдоид бил улусни[нг] барчасин, ўзни сомон.

Ёр ўса сенго қай эр, олиб ўзни ҳам,
Дардига давоу заҳмига бўл марҳам.
Ташлама анго аргидамоқ⁶ кўзмич,
Ўтрукни⁷ дебон берма анго чакса кам.



Очиликни[нг] ғамидин урма бошинга тош,
Үрёнилк⁸ учун олма иккиси кўзга ёш.
Қонеъ⁹ бўлу ўзни ҳақга таслим этгил,
Тўпни топилур агар эсон бўлса бош.

Шоҳ ўлма ва кирма зулм ўрдосига,
Ташлама кўзинг буқуну фардосига,¹⁰
Ўзингин қочур онинг қотидин, йўқса —
Тузму солурсен улус ишнодосига!

Изоҳлар: 1. Үкүк — ёмонлик. 2. Сила — раҳмашафқат. 3. Масл — оқибат. 4. Очун — дунай.

5. Вошминлиги — бошминлик. 6. Аргидамоқ — ёмон. 7. Ўтрук — ёлғон. 8. Урён — ялангоч.

9. Қонеъ — қаноатли. 10. Фардо — ёртаги кун.

Спорт

МАХОРАТ,

ЯНА

МАХОРАТ

Спорт—саломатлик, умрбокийлик, унумлих мехнат демакдир. Шунинг учун ҳам социалистик Ватанимизда физкультура ва спорт ишларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларида спорт билан мунтазам шугулланувчилик сони йилдан йилга ошиб бормоқда. Спортиниң ўн тўрт тури бўйича Узбекистонинг турли шахарларида бўлган V спартакиаданинг финал мусобакаларида ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган ёш, маҳоратли спорчилар голиб чиқиб ўзларини кўрсатдилар.

1971 йилда СССР Халқлари V спартакиадаси очилди. Шунинг учун ҳам ўтган йил спорт жамиятлари, спортилар учун катта тайёргарлик, кўриш йилга бўлди.

Кейнинг йилларда Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Наманган шахарларида, шунингдек Тошкент обlastидаги «Политотдел» колхозида Бутунитифик ва халқаро спорт мусобакалари ўюнтирилди, бу спортиларнинг маҳоратини ошириш, халқлар ўтрасида дўйстликни янада мустаҳкамлаш, кенг жамоатчиликнинг физкультура ва спорта қизиқишини кучайтиришга ёрдам берди.

Кураш, пойта, улоқ — халқимизнинг қадимий миллий спорт ўйинлерида. Спортизм бу турлари бўйича бир неча босқилич мусобакалар ташкил этиш мўжжалланмоқда. Республика миёссида ўтказилинган мусобакада қатнашувчilar аввал колхоз, совхоз, район, облоста мусобакаларида куч синашадилар.

Узбекистонда кураш бўйича «Спорт мастери» унвони таъсис этилди. Бу ўринда

шуни айтиш керакки, бир вақтлар миллий кураш билан шугулланувчилик орасидан классик кураш бўйича ажабиб спортилар етишиб чиқкан эди. Уларнинг номлари мамлакатимиздагина эмас, чет элларда ҳам машхур, Масалан, ҳалқаро миёсдаги спорт мастери, самбо бўйича мамлакат чемпиони X. Рузиков, кўптина халқаро учрашувлар голиби Н. Маҳмадасулов, Н. Йлондошев, Р. Фозилов, С. Алимов бугун спорт мастерларидир.

Мамажон Исломов ва Эркин Кўёнбоеv от спорти бўйича мамлакатимиздаги энг чақон чавандозлардан ҳисобланадилар. Мамажон Исломов СССР халқлари спартакиадасида бир неча марта голиб чиқиб, кумуш ва бронза медаллар билан мукоболанган. Ўтган йили Бутунитифик кўптиларниң чемпионатида Эркин Кўёнбоеv муваффакиятли қатнашиб «СССР спорт мастери» унвонини олди.

Қишлоқ спортиларидан биринчи бор чемпионлик унвонига эришган ва иштироқ миёсдаги мукофотларни олиши сазовор бўлганинг рўйхатига самбочи Н. Маҳмадасулов, эркин кураш бўйича Ю. Карданов, И. Қаландаров, А. Ахмедов, классик кураш бўйича М. Ли, мегранлардан Н. Больщакова, А. Макаричев, оғир атлетикачлардан А. Ессе, А. Рибкин, З. Муртазина — нинг номлари ёзилди.

1971 йилда Москвада СССР халқлари V эёзи спартакиадаси ўтказилди. Буняда ялли тайёргарликнинг биринчи давраси қизғин ўтди. Узбекистон спорт шарафини химоя қилган йигит-қизларимиз бу мусобакаларда 20 олтин, 8 кумуш ва 13 бронза медаллар олдилар. Волеяболчи Вера Галушко жаҳон чемпиони, Рустам Қозоқов классик кураш бўйича жаҳон чемпионлигига фраклиг учунни ўринни эталаб бронза медаллига сазовор бўлди. Мегранлида А. Родин ва Н. Воличенко, сун тўли — поло ўйини мусобакасида Н. Ишқардаев Европа чемпиони бўлдилар.

Республикамизда ҳар йили ўнлаб спорт заллари, стадион ва сув спорти ҳавзалари курилмоқда. Ўтган йили Тошкентда «Юбилей» марказий спорт зали фойдаланиша топширилди. Марказий «Пахтакор» стадионидаги енгил атлетика секторлари ва югуриш йўлкаларига резина-битум ётказилди. Термиз, Карши шахарларида, Самарқанд обlastининг Булунгур, Хатирчи, Андижон областининг Учқўрген районларида янги стадионлар курилди.

Партия ва хукуматимизнинг бу фамхўрликларида жавобан республикамиз спортиларни янада ўюнори — фахрли ўрینларни эталашга ҳаракат киладилар. Улар ўз маҳоратларини ошириш устида тинмай машқ қилимоқдадар. Қинада ҳам шу кунларда спортиларимиз асосий шиорлари: «Маҳорат, яна маҳорат!» диди.

З. АМИНОВ,
Узбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Физкультура ва спорт комитетининг раиси.



СССР чемпиони Рифъат Рискиев (чапда) «Юбилей» спорт саройида бокс бўйича ЎзССР биринчилиги учун ўтказилган мусобака пайтида жанг олиб бормоқда.

А. ВАНШТЕЙН фотоси

ЯНГИ ТАОМЛАР

Янги йилда журнальхонлар дастурхонига қасонда пиширган таомлар туркумидан иникини хилини тасвир этишни мөнгиман. Қасонда тайёрланадиган таом деңгана — кўпчилик фақат мантини кўз олдига келтиради. Кейнинг йилларда пархезшунослик ва оқатланниш физиологияси соҳасидаги иш олиб бораётган олимпийларниң бугуда пишириладиган таомлар кўпроқ фойдаланадиган эканини исботлашадилар. Қопқонкини жисп ёлиб бугуда пиширилган оқатлардаги баъзи шифоли модалар, жумладан, ҳар хил витаминларни ҳарого учбидаги кетмайди. Масаллинилар тарнибидаги минерал модалар яхши эриб таомни ғоят хушхўр үйлади. Бугуда тайёрланган таомнинг налорияси кучли бўлса ҳам енгил ҳазм бўлади.

Қасон палов

Гуручини ювиб, тузли илиц сувга ивтиб кўласиз. Ивтиш гуручининг хилини ярар 1 соатдан 10 соатгача давом этиади. Магазин гуручи 1 соат ивтилса бас. Гўшти тўғраб туз, зира ва мурғ сабиб аралаштирасиз. Қасонни ионил цилиб тўғраб туз сепасиз, бехин эса тилимчалисиз.

Ҳондонларда ишлатидаги қасонларда топттарда лаптак бўлиб, палов масаллигининг тўрт хила ана шу лаппайларда алоҳида солиб бугланади. Қасоннинг биринчи лаппагига гўшти инкинчисига сабзи ва учинчисига бехи кўласиз. Гуручин юоридаги тўртинчи лаппана соласиз, тўкилиб кетмаслиги учун остига тоза дона ўясиз. Кейин қасон қопқони жисп ёлиб 1 соат давомида пиширасиз. Вақти-вақти

билин қопқонни очиб, гуручини ағдариб турасиз ва ўзига сув сепалаб янга ёлиб кўясиз.

Ёнги алоҳида идишада додглаб, пиздан новуравасиз. Қасонда пишиган масаллиниларни қозонга ағдариб аралаштирасиз ва лаганларга сузуб дастурхонга тортасиз.

Лаганга гумбаз қилиб сузилган оқ тусдаги палов, гуштлари корароқ, бехи ва сабзиси сапарни бўлиб аралаштиради. Бугланган гушт, сабзи, бехи ва гурчига додглабнан ёғ, пиздэдог билан зираворларнинг хушбўй ҳиди қўшилиб жуда лаззатли бўлади.

5-6 кишинга мўлжалланган масаллини; 1 килограмм гушт, 2 буш пиёз, 1 чой юшин туз, шунчай зира ва кашнич уруғи. Гўшти расмана набобга тўғраганден тўғрайсиз. Пиёзни мясорубкадан ўтказасиз. Гўшти шу пиёзга туз ва зираворлар билан аралаштирасиз, ўзига пича сув сепиб, етилиши учун 1 соатча кўласиз. Пиёз сели ва зираворлар синггач, гўшти сиҳларга олти бўландан ўтказасиз. Қасон

Буғлама сих кабоб

Мъалумки, кабоб кўрада пиширилганда гўшт тарнибидаги ё ва энг фойдали модалар ённи кетади. Кабоб қасонда пиширилганда эса ё ва зуруччи моддалар сувга томиб, ажойб шўрва бўлиши мумкин.

Масаллини; 1 килограмм гўшт, 2 буш пиёз, 1 чой юшин туз, шунчай зира ва кашнич уруғи. Гўшти расмана набобга тўғраганден тўғрайсиз. Пиёзни мясорубкадан ўтказасиз. Гўшти шу пиёзга туз ва зираворлар билан аралаштирасиз, ўзига пича сув сепиб, етилиши учун 1 соатча кўласиз. Пиёз сели ва зираворлар синггач, гўшти сиҳларга олти бўландан ўтказасиз. Қасон

ниннинг остики идишига сув қўйиб лахмдан акратилган суклилар, бутун сабзи, картошка, тўйралган шолғом ва пиз солинади. Устки идишдаги учта лаптак олиб ташланни биттаси қолдирилади. Қопқони жисп ёлиб 1 соат давомида бугланади.

Тайёр таом ликопларда ўзига зиралирэз солиб дастурхонга келтирилади, шўрваси эса косаларда тортилади.

Сиҳга терилган селликинина кабоб, хил-хил пишигач, мазаси — кабоб билан манти таъмига ўхшаброқ кетади. Шўрваси эса қайнатма шўрванинг ўзи.

Карим МАҲМУДОВ

Пазанда маслаҳати



Наъматақ:— Биринчи сўз сизга, қизиқларнинг сардори.

ССРР халқи артисти Наби РАҲИМОВ:— Мазмундор эски йилларни яхши юл. Эски йилдаги ажойиб воқеаларни сўзлаб битиргусиз. Мехикода жаҳон чемпионати бошланган куни



бутун олам телевизорларга ёпирилди. Янги йил тилагим шуни, бундан бўён телевизорларимиз «Пахтакор» стадиони учунга эмас, ҳамма театрларимиз учун ҳам тарғибот ойнаси бўлса.

Наъматақ:— Сиздан, эшитамиш, юрга қаҳқаҳа улашган санъаткоримиз.

Узбекистон халқи артисти Акрам ЮСУПОВ:— Нима дедим? Газеталарнинг хабар берисида, бултур Япония хукумати кулаги кишнинг умрени узайтиради, деган ҳарорга келибди. Бу фикрни бизнинг устозимиз Юсуфжон қизиқ Шакаринов чоракларни бир аср олдин айтган эдилар. Дилдаги тап шуни, майдонда мардлик нұрсатишини шундай занковат эгалирни берган аҳдига вафодор халқимиздан ўрганилай.

Наъматақ:— Раҳмат. Энди 28-бетга ўтамиш.



ГАВҲАРНИ ТИЛЛАГА АЛМАШМАНГ

ВРАЧ МАСЛАХАТИ

Кўча-кўйда ёш-ёш қизлар, мўйлови энди сабза урган йигитчаларнинг ял-юлт этган тилла тишларни назарингиз тушади. Тавба, наҳотини шуларнинг тишлари тушшиб, кунларни сунъий тишга қолган бўлса, деб албатта. Археологлар Финляндиядаги қадимий Сида шаҳри ҳаробаларини қазиганларида табиний тишга қоплама қилинган сунъий тиш топғанлар. Демак, ҳозиринг Финляндия турориги яшаган одамлар IV асрдәк тиш қўйиш санъатидан ҳабардор эканлар. Бу санъат ундан ҳам илгарироқ риммиларга таниши бўлган. Улар мол суюгидан, қаттиқ ёғочдан сунъий тиш исаганлар. Яна шу нарса маълумки, у вақтда одамлар арабарой заруратдан тиш қўйидиргандар. Бизнинг фаровон замонимизда эса айрим ота-она әрнатилари, тутпа-тузук катта одамлар ҳам ўзларининг қилинген ўтнике сопла-сог тишларни суругтириб ёки эговлатиб металга қоплатадилар! Тўғри, тиш қўйидириш зарур, фақат зарурат түғилгандагина. Киншининг тишлари тушшиб, кич-фасига таъсир этадиган пайтлар бўлади, сўзларни аниқ талафуз этиши қўйинлашида, тиш оралар очилиб қилини ҳавфи түғилади. Ҳатто еган озиқатини ҳам қилиши қўйинлашида. Қишида юз берадиган мана шундай деформациядан — камчиликдан сақланиш, одрини олиш учун албатта тиш қўйидириш керак. Лекин қандай тиш қўйидириш керак?

Саломатлик — туман бойлик

Баъзи одамлар ортопед стоматологга келгандарда иложи борича танглай протезини қўйдирмасликка ҳаракат килидилар. Ётиш олдида оғиздан олиб қўйладиган бундан сунъий тишлар уларни гўё кариялар қаторига кўшиб қўйётганек бўлади. Ҳолбуки олиннайдиган сунъий тишларга қараганда олиннайдиган танглай протезлари соғлиқ учун ҳам, озодалик учун ҳам фойдаланордир. Чунки коронка ҳамда олиннайдиган сунъий тишларни тўла тозалаш имконияти бўлмайди. Бундан ташқари олиннайдиган тўла тозалашни ранги табий тишлар рангидан фарқ қилиб кўзга ташланни туради.

Олиб қўйладиган танглай протезларни тозалаш осон. Ранги, шакли табний тишга мос. Сунъий тишларни ҳам, табний тишларни ҳам озода, соглом асрар учун овқатдан кейин ётиш олдида тиш порошоги ёки паста билан тозалаш керак.

Хулоса қилиб айтганда, кўрқумлик учунга тиш қўйдирishни орзу қилидиганларга, хусусан, ёшларга маслаҳат берар эдимки, гавҳардек ўз тишингиз турб тилла тишни ҳавас қилинг. Гавҳар тилладан ҳимматлироқ, деб насиҳат қилинг бўлардим. Киншининг табийи, бақувват ўз тишларига нима етсин! Лекин тишларнинг касаллангудек, тушуден бўлса, дарҳол стоматологга мурожаат этинг.

Рихси МАҲМУДОВ

Нодир саҳифалар

Маълумки, Яқин ва Ўрта Шарқ ўтмиш адабий меросида ахлоқий-тальимий ривоятлар, нақллар ҳамда ҳикматлар кенг ўрин олган. Шундай дурдонларни мужассамлаштирган «Қобуснома», «Калила ва Димна» каби асарлар Шарқ халқарининг севимли китоблари бўлиб қолган.

Ҳусайн Ҳөфзийининг «Насихати ҳуқамо ва маколоти кубаро» («Донишманлар» насиҳати ва улуғлар мақоллариги китоби ҳам шундай асарлар жумласидан. Бу асар 1327 ҳижрий (1897 мелодий) йилда Истамбулда нашр этилган.

Қўйида ўша китобдаги ҳикматлардан намуналар ўқишиз.

Ҳусайн ҲЕФЗИЙ.

ҲИКМАТЛАР

Ўз устингизда ишланг ва илму одоб ўрганишдан тортиманг. Умрингизни нодонликда зое кеттизманг. Ҳар қандай буюмини ҳам, молу дунёни ҳам илмдан улуғ ҳибобламанг.

* * *

Донишманлар насиҳатини хор тутманг. Бирор иш устида шошилманг. Оқибати зиёнили ишлардан эҳтиёб бўлинг. Кескаларнинг сўзини ҳурмат қилинг.

* * *

Сиз мол-дунё эмас, мол-дунё сизга хизмат қилисин. Аҳмокка, мастида ва нодонга насиҳат қилинган. Насиҳатингизни хор этманг. Бироннинг ризигига кўз тикманг.

* * *

Бирорларнинг мулкига этасидан ҳам жонкуярроғ бўлинг. Бироннинг ўйнда катталик қилинг. Ноқас одамни ўйнингизга йўлтатманг.

* * *

Меҳмонни азиз тутинг. Ҳалқдан тама қилинг. Ота-она ҳақини унтуманг ва қариндошлардан эҳсонингизни аямант. Аҳду

вафода содиқ бўлинг. Бироннинг ҳожатини чиқариш қўлингиздан келса, саховатингизни дариг тутманг.

Илмли қишиларни улуғланг. Үқиқи-ўрганишдан ор қўлганларни ҳақиқий одам фигара қўшманг.

* * *

Яхшиларни эъзозланг. Улганларни эса яхши сифатларни билан эсланг. Отаниз вафотидан сўнг, унинг васиятларини бажо келтиринг.

* * *

Олижанобликни одат қилинг. Ҳасисликдан узоқ бўлинг. Ноҳийлар билан сухбатдош бўлманг. Ердамни эса олижаноблардан сўранг.

* * *

Ўз аҳволингизни дўсту душмандан сир тутинг. Сир айтлаётган жойда зинҳор тинглашга жазм қилинг.

Форчадан Асадали ҲАКИМЖОНОВ таржимаси.





Наъматак:— Сизнинг тилакларингиз қандай, ҳаннимизнинг қалам устаси?

Адаб Сайд АХМАД:— Мен таажонубдан ма-роқланаман. Катта театрга тушганда кампир нинг саҳса пардасини кўриб: «Артистларга баллие, шунча духобани қаёдан олишиб-

ди-я?» деганини эшитганман. Коши, меъморларимиз курган хилма-хил биноларни, концертларимизда рубодан ҳам бошқа чолгу асбобларини, магазинларимизда анвоъ молларни кўриб, «Ҳаёл кучларингизга балли, бор энсанисизлар-ну!», десак.

Наъматак:— Сизга навбат, саҳнамизнинг шўх юлдизи.

Ўзбекистон ССР ҳалқ артисткаси Омина ФАЕЗОВА:— Хотинининг иши кўплигини кўриб, юраги эзилгандан кучага чишиб нетадиган «мехрибон» эрлар йўн эмас. Лекин барча бир бис айлар мекнатда ҳам, рўзгорда ҳам хитойнинг бозингаримиз. Чаңқонлинида эркаклар бизга етиб олишин.

Наъматак:— Ҳани, 29-бетга марҳамат.



тўлдириб. Фудзи тогига чишиб, тонгни кутадилар. Негани, қўёшнинг киприк очаётганини кўрган, яъни этра тураги кишига йил бўйи омад ҳамроҳ бўлармиш. Янги йилнинг еттинчи куни оила бошлиги гуруб унинг этил хил ут кўшиб, нонушта тайёрлайди.

ВЕНГРИЯДА. Венгер йигитлари балогатда етган қизларининг дарвозасини тўлланиб, қўшиқ айтишиди. Қизларни анъанавий таомасал ва саримсоқ билан сийлайди.

КУБАДА. Янги йил арафасида ҳамма идишларга сув тўлдириб кўядилар. Йирим тунда идишлардаги сувни деразадан кўчага сепадилар. Бу — янги йил сувдай соғ, губорсиз келсин, деган маънни билдиради.

ВЬЕТНАМДА. Янги йил баҳорда нишонланади. Бу пайт наргис, шафотли қийос гуллаган бўлади. Одамлар дастурхон атрофида бирбирларига гул тақдим этиладилар, ер юзида чечалар сўлмасин, ҳаёт доим гулдай яшиаб турсин, деб.

ГАНТИДА. Ҳамма кўча, боя, ҳовлиларни ёт томса лагидек супурди, уйларни саранжом-саринша қилиб, уршиган қўшилар бирбirlари билан ярашиб апоқ-чапоқ бўлиб кетадилар.

БИРМАДА. Янги йилнинг биринчи куни кишилар бир-бирларининг устиларидан совуқ сув қўядилар. Шунда ҳамма гуноҳлар ювенилиб кетармиш.

ИТАЛИЯДА. Янги йил киргунча ҳамма бор қарзини узиб, ишларини саранжом қилиб қўяди.

ГОЛЛАНДИЯДА. Уй бекалари йилда фақат бир марта — 31 де-

набрда майизли бўғирсоқ пиширадилар.

ҲИНДИСТОНДА. Маҳалла ва кўчалар гулларга тўлиб кетади. Ривоятларда айтилишича, шу куни энг адолати подшо Махабали келиби, фуқароларига ризи-насиба тарқатаримиш.

РАБ МАМЛАКАТЛАРИДА. Янги йилнинг кутадиган маълум бир кун, муҳлат йўқ. Мусулмонларнинг ой налендари бўйича бир йилда 354 нун бор. Шу сабабли уларнинг янги йили ҳам гоҳ қиши, гоҳ ёз, гоҳ кузга «кўчиб» юради. Чунончи, 1943 йилда мусулмонлар янги йилни икни марта: 8 январь ва 28 денабрда кутдилар.

БРАЗИЛИЯДА. Кўчалардаги симбёочларга кўнгироқчалар, гулдаталар осиб қўядилар. Рио-де-Жанейро аҳолиси океан қирғоғига сайилга чиради. Чунки бу шаҳар жойлашган кўнғироқ португалийлик денгизчилар бундан тўрт аср аввали, худди янги йил кечаси топган эдилар. Тунда қирғодаги кумга шамларни ёқиб қўйиб, чўмиладилар, сувга гуллар ташлайди.

ШОТЛАНДИЯДА. Янги йил нечаки кишилар эшикка терумлиб турдилар. Қора сочи киши келиб: «Бу хонадоннинг қозони ҳамиша қайнаб турсин», деб бир парча кўмир қолдириб кетади. (Он ёки сарин сочи киши кириб, хонадонга баҳтсизлик келтирмаслиги учун ҳар бир қишлоқда қора сочили кишини тайинлаб қўйлади).

* * *

Ер курраси айланниб турди: қиши, баҳор, ёз, куз... Инсонлар баҳтига сайдермасиз 1971 йилдаги 365 кечакундузнинг барчасида ҳам уз ўни атрофидан осоишта айланиси...

Йил қачон киради

1930 йилгача бизда мавсумий вақт ҳисоби кўпланилиб, ёз мавсумида соат миллари ҳамма жойда бир соат олдинга силинтилар эди. Кўпгина мамлакатларда ҳали ҳам шундай. 1930 йилдан ССРДа «Ўзлиқ мавсум ҳисоби доимий ҳаранатта кириди: бизнинг соатимиз минтақа ҳисобидаги вақтдан доим бир соат олдинда. Шунинг учун янги йил ҳам бу ерга бир соат олдин келади, десак бўлади.

Календарнинг таржима ҳоли

Қадим Миср аҳолиси календардан олти минг йил аввал фойдалана бошлаган. Уша давр билимдонлари астрономия асосларини билганилар, Нилинг тошиш ва қайтиш жадвалини тузганлар, дала ишлари мавсумларни белгилаганлар. Миср йили ҳам ҳозиргидай 365 нун бўлган. Янги йил 19 июльда, нун чиниси олдидан уғифда ёрқин Сиркус юлдузи бўлганда нишонланган.

Минг йиллар давомида календарь кўп марта ўзгартарган. Фақат 1582 йили энг аниқ календарь (янги ҳисоб) жорий қилинган. Бу налендарда аста-секин ҳамма мамлакатлар ўтса ҳам, чор Россияси эски ҳисобда колаверган эди. Янги календарь бизда фақат Совет ҳоҳиминият даврида, 1918 йил февраль ойида жорий қилинди.



СССР спорт мастер
М. МУХИДДИНОВ
тахрири остида

Шахмат оламига саёҳат

Жаҳон маданиятининг буюн на-
мояндлари Сервантес, Франклин,
Менделеев ва бошқалар қадимий
акл-идор ўйини шахматни ҳаётта
қиёс қилганлар. Бинобарин, шах-
мат ҳам табиат, оламига инъек-
си бўлган инсон қалбининг ўт-
тийтугулари, ҳаликонлари, ақл-
тафакур билан омухталашиди.
Шахмат таҳтасининг ҳар бир хо-
насига сирли дунё яширинган. У
ишини мушоҳада тарозисида
тортилган фикрлар, жўшиғин хис-
лар майдонига, кураш майдонига
етаклайди. Шахматда доимо янги
қарашлар, талинлар, фикр-ғон-
лар кураши ҳуқмрон. Кўхна ва
ҳамиша навқирон шахмат шу са-
бабдан ҳам улуг зотлар Карл
Маркс ва В. И. Лениннинг йўлдош-

лари бўлган; Фирдавсий, Низомий, Навои, Гейне, Пушкин, Тургенев, Толстой каби забардаст сўз соҳибкорларининг наэдидан тушмаган. Шахмат инсон маданиятининг бир бўлати сифати-
яш, мунтазам юксалишида давою этмоқда.


Шахматга бўлган қизиқишининг тобора кўчаяётганинг асл сабаби шундаки, у инсон характерининг шаклланишида озми-кўпми хисса қўшади, иродани, хотирани, фикрлар юбилиятини ўстиради, ҳордиқ чиқаради.

Мана, «Гулстон»да маҳсус шахмат бўлими очик. Мунтазам берип бориладиган материаллар кенг шахматчилик оммасига мўлжаллана-ди. Сиз, ҳурматли муҳлислар, бўйимимизда шахматнинг кўп асрлар тарихи, назарияси, жаҳоннинг забардаст шахматчилири бо-
сиб ўтган йўл билан танишиб борасиз. Шахмат комбинациялари, масаласи ва этюдларни очиб бўйича конкурслар ўтказмоқимиз. Шахматга алоқадор латифлар, ҳажвиялар ҳам эълон цилмоқчи-
миз. Шинавандаларнинг тиylan-истакларини наэзардади тутуб, саволларга жавоблар ҳам берид турамиз.

ШАХМАТНИНГ ЖОНИ

Шахматнинг мафтункорлиги, ки-
шини бир умр шайдо қиласидан
нарсаси бу — бир-бирини та-
коррайдиган комбинацияларидир. Биз замирда ажаб фикр-мақсад-
лар мұнассамлашгандар, оку қора-
даначаларнинг «осойшитса» нура-
шини анс этирувчи комбинация-
лардан роҳатланамиз. Шахматчи
бу комбинация ғолларининг сири-
ни оча олса, узига хос шахмат
оламининг бунёдкори бўла олса-

гина ўзини чинанам санъаткор,
деб ҳисоблай олади.




1-диаграмма

Энди сиз билан ана шу оламга саёҳатимизни бошлаймиз.

1-диаграммада нўрсатилган этюд
Халикар шахмат федерациясининг
олтин медалини олган. Шарти: оқ-
лар бошлаб ютади.

Этюднинг ечилиш йўли бундай:




2-диаграмма

1. e6—e7 Фc1—a3+ 2. Lb8—b4!
Fa3—a7+ 3. Krc5:c4! Fa7:e7 4.
Kf4:g6+! f7:g6 5. Cd4—f6+! Fe7:
f6 6. Kpc4—d5 5. Kph4—g5 7. h2—
h4+ Kpg5—f5 8. g2—g4+h5:g4 9.
Lb4—f4+ Ch6:f4 10. e3—e4 мот.

Инкала диаграммани таққослаб
кўрсангиз бу этюдинг нақадар
гўзалигини дарҳол пайдалайиз,
Куттилмаган гония амалга ошириш
йўлида оқлар «ҳамма нарса»дан
воз кечди. Лекин алсида кучли то-
мон — қоралар мағосат олдида
бош эгди. Шунки комбинация дей-
дилар, Язни, курбонлар билан бօғ-
лиқ бўлган ва объектив манфаати
нўзловочи мажбурий вариант —
комбинациядир.

Энди Г. Маттисоннинг мана бу
этюдини ўзинигз ечиб кўринг ва
жавобини бизга йўлланг.




3-диаграмма

Шарти: оқлар бошлаб, дурангга
эришади:



Наъматақ: — Маърқаларимизнинг кўрни, ас-
киябозларимизнинг саркори нима дейдилар?

Узбекистон ҳалиқ артисти Фаникон ТОШМА-
ТОВ: — Тошкентлик машҳур Жўара қизиқчи:
«Тарвуз қўлтиқлаб, қўй ҳайдашдан асра!», де-
ган энан. Мен нима дейману қўбизим нима
дейди! Ҳар бир тадбир, айниқса, қишига тай-



ёргарлик ҳам, ёзга тайёргарлик ҳам ўз вақ-
тида кўриб қўйилиши керан. Анс ҳолда, шош-
гандага лаббай топилмай қолади.

Наъматақ: — Томошибинларимизнинг қадро-
нидан инни шингилгина эшиштак деган эдим.

ЎзССР ҳалиқ артисти Фани АЪЗАМОВ: — Бир
нечча йилдирки, мен Ҳамза номидаги театрада,
отaxon кино артистимиз Раҳим Пирмуҳамедов
«Ўзбенфильм»да. Худди шу пайтда келиб но-
медиа пойтамиз. Зора бу гал биронта драма-
тургимиз олиб келган бўлса,

Наъматақ: Бизни 30-бетда кутишапти.



НАЎМАТАК

Қувноқ хандалар

Рахимжон Қосимжонни овга таклиф этди.

— Қосимжон, бир тўрва туз орқалаб олгин, каклик овига чиқамиз.

— Ия, шундай иссиқда бир тўрва тузнинг нима ҳожати бор?

— Калланг ишлайдими? Мен отиб кетавераман, сен тузлаб бораверасан. Бўлмаса ҳидланис қолади.

— Бизнинг қишлоқка шунақа дўл ёғдики, ҳар бирин менинг қалламдай келади.

— Ундан бўлса, дўл ёғи, ошқовоқ ёғибиди-да?

— Кимнинг оёғи бў? — деб қичқирди нахбатда турган аёллардан бири. — Оёғимни эзиб юборди-ку!

— Кирза этик бўлса, менинг оёғим, — деди орқада турган йигит.

Бурунги замонда нашавандлар наша чекмаган одамни одам санамас эканлар. Бир куни пасткўчалик нашаванднинг ховлисига жанозага ятиб келишибди.

— Ким қазо қилибди?

— Эшвой нашаванд.

— Эвоҳо... Қишлоқларингда одам қолмабди-ку!..

— Эрга тегмай балога тегдим, ҳар куни ичасиз. Сизга тегаётганимда каллам қаерда экан!

— Менинг елкамда эди, жоним.

Эркин МУЗАФФАРОВ

Қораشاқшақ

Масал

Қумри қуш дер: «Фасли баҳор мен учун соз, Түхум кўйб болалайман, олдинда ёз».

Шу тилакда пар, ҳашакдан уя курди, Кенг бўлсин, деб панжа билан титиб, сурди. Кўп ўтмасдан бир жуфт оплоқ тухум кўйди, Оналинкин лаззатин дилдан тўйди.

Буни сезган Қораشاқақ келиб аста, Қулай пайти пойлади-да, сўнг бирпасда Тухумларни алмашибирб қочиб қолди,

— Бопладим, — деб усига шоқ юйл олди. Ҳафтадан сунг она Қумри кутарди оҳ:

Жўёка очмис — пати қора, кўзин мунчоқ, Буни кўриб барча қушлар қолди ҳайрон, Жигибиён бўлди она — дили вайрон. Шақсақ эса фош булишдан чуриб эди;

— Қарға ўртоқ, азиз дўстим, қаранг буни, Не азобда меҳнат қилиб тунин-куни, Кўйган оплоқ тухумларим айёр Қумри Ўтилабди, қушларнинг бу пасткаш тури!..


Ҳисса ўринин, дўстлар, бу гал истак олсин. Шақсақ феъли фақатгина қушда қолсин.

Одилхон ЮНУСХОНОВ.

Наъматан:— Қувноқ рассомимиз нима дер эканлар?

Рассом Тельман МУҲАМЕДОВ:— Ҳажвчилик хизматига сидидил намарбаста, пиримиз Насридин Афанинга доимо жилводорман. У зот ҳам менга раҳнамолик қилиб, наминини хушчақчаликни ўйлайдан бошлаб борурлар, деган умиддаман. Барча ҳам-насадаларга пирларимизнинг таъз-закновати ёр бўлсин.

Наъматан:— Барчаларингизга беҳад ташаккур, Кулгиларингиз кўйларни тўлдирисин, хандон чехра дилкашлар. Балли сизга, уста Семён Безносов, фотоаппаратингиз ҳам ҳазилга мойил экан.



Наъматан:— Сизнинг тилакларингиз, истеъододли қизиқчимиз? ҮзССРда хизмат кўрсатган артист Эргаш КАРИМОВ:— Бир буюртмачи тикувчига келиб: «Тиниб берган либосингизни кийиб ҳаммага кулги бўлдим-ку!» деса, у: «Қулдирсан, маҳоратим ошибди. Илгари буюртмачиларим йиглашар эди», дебди. Ҳар бир кимса ўз иши билан шуғулланса. Қулдириш бизнинг вазифамиз бўлиб қолса.



Наъматан:— Сўзингизга мунтазимиз, қаҳҳаҳанинг мөхир устаси.

ҮзССР ҳалқ артисти Соиб ХУЖАЕВ:— Отган оташ кураги тесга хотинча хурсанд, тегмаса — эри хурсанд бўларкан. Бир оиласда ҳар куни шу тариқа хурсандчилни экан. Кенинг, хонадонларимизда ҳам, қолаверса, театрларимизда ҳам чинакам дилнашлини, хушчақ-чацлин ҳукм сурсин.



ЯНГИ ЙИЛ ҚАҲҚАҲАСИ

А. ХОЛИКОВ, В. ДУМКИН,
М. ВОРОБЕЙЧИКОВ ва
Л. ШАРИФЖНОВА расмлари



— Мендан сенга топширик.



— Табреклайман, Қорбобо!



— Буни опам барибир олиб қўяди,
менга бошча совға бера қолинг.



— Мансабдан тушганимни булар ҳали билишмайди.

— Биз ҳам сермеҳмон бўлиб қолдин.



— Аттанд!, Бу йил уйга етиб борол-
майдиганга үхшайман.



— Ургилай, соҳибжамол, мол не-
ранми, жон керакми — ол!



Учта сўз

Меер хоним русчадан фақат уч сўз билар эди: «яхши», «бепул», «раҳмат». У операциядан туриб доцент Гусевининг олдига кирганида шу уч сўзини ўн мартача тақрорлади.
— Раҳмат... яхши... бепул...

Бу воқеа Самарқандда бўлиб ўтди. Америкалик сайдхар-
дан 75 ўшар Меер хонимининг эски касали аппендиция шу-
ерга келганда бирдан хуруж қилиб қолди. Уни фақат шо-
шилинч операция кўтказиши мумкин эди.

Узоқдан келган меҳмон жарроҳ Л. К. Гусев клиникасида
иккни ҳафтада тузалиб чиқди. У омон қолганидан ҳам кўра,
шундай оғир операциянинг бепул қилинганига ҳайратда эди.
— Бепул, раҳмат, яхши...

Қулоққа чалинган гаплар



БОЗОРДА

Тунд бир харидор растага кириб, мевафурушлар олди да тұтады.

- Олма қанчадан бўлди, бобой?
- Эллик тийиндан, болам.
- Шуни эллини тийинга оладиган аҳмоқлар ҳам борми?
- Ўйқ, — деди чол.— Аҳмоқлар сўраб-сўраб, ўтиб кетяпти. Харидор бошига калтак тушгандек, кўзини пиритатди:
- ... Кани, икки кило тортинг, — деди тўр халтасини очиб.



КАСАЛХОНАДА

Докторлар нима касалим борлигини мендан яшишмоқчи бўлишиди. Айтишмади. Лекин улар чиқиб кетгандан кейин қозозларига зиддан кўз ташлаб, билиб олдим: «диагноз» деган касалга йўлиқкан эканман.



УЙДА

— Кечаси чанқаб қолсангиз сув қидириб юрманг дадаси. Ана, столда бир пиёла сут турибди.

- Шунакамий... Сен-чи, кечаси бордию вино ичингиз келиб қолса ўрнингдан туриб юма, ана каравот тагидаги тунука идиша бир литр керосин турибди.



КЎЧАДА

Ота ўғлини етаклаб кетмоқда. Бола жуда сургалиб бормоқда.

- Чарчаб қолдингми, Эркин?
- Ўйқ, бугун ўзи обёим шунақ...

ҲУРМАТЛИ ЖУРНАЛХОНЛАР!

Мана, «Гулистон»нинг 1971 йил 1-сони қўлингизда. Журналимиз бу йил ҳам Узбекистоннинг серцира, жўшқин ҳозирги ҳаётини, замондошларимизнинг улуғвор меҳнати, қаҳрамонлиги, ўйлари, ёрчин сийосини, республиканизмнинг қадимий тарихи ва маданиятини мазмунлук ажо этиришига ҳаракат қиласди. Бу ишда биз сизларга суннамиз, ҳамиса битмас-туғанмас ижод қашаси — сиз азиз журналхонларнинг ҳатларинги, фирн, истак, маслаҳатларнингга мунтазамирмиз.

«Гулистон» муҳислари журналини янада мазмундор қилиш, мундараражасини бойитицандан ташари, уни тарғиб этишда ҳам ташаббус кўрсатмодандар. Журналнинг ахборчилар қўлига вактида еткіб боришига катта ёрдам берәтган жонкунурлар — «Союзпечать»нинг республика Матбуот тартишибашарлари раҳбари Лилия Рахмонова Бергanova, бошқарманинг бўлим бошишни Евгения Иброхимовна Карпина, Андижон областъ Кўргонтипа районидаги Энгельсномли колхоз кат ташувчиси Умаржон Енубов, Самарқанд область партия комитетигининг инсектори Ҳожинкурбон Ҳамидов, Қарши шаҳар матбуот тартишибашарларни бўйининг бошлиғи Рузия Ҳидирова, Фарғона область Езбон районидаги жамоатчи почталоънгар Пётр Писарев, Абдулумутал Колматов, Киров районидан Тўланбай Шерназаров, янгиқўргонлини Мансур Исломов, нувалин Исломиён Эҳсонов, Ҳоразм область Қўшнупур районидаги жамоатчи почталоънгар Раҳим Отажонов, Назар Қурбонов, гурланлини Собир Бешметов, ҳончалик Исломиён Тоирев, Раҳаб Рахимов ва бошига ўртоқларга миннатдорчилик изҳор этамиз.

Бош редактор — Аскад МУХТОР

Редколлегия: Рахим АХМЕДОВ, Абдулла БОБОХОНОВ, Воҳид ЗОХИДОВ, Искандар ИКРОМОВ, Собир МУҲАММЕДОВ, Иброҳим МУМИНОВ, Үкташ ОРИПОВ, Эмиль РЎЗИБОЕВ [бош рассом], Ваҳоб РЎЗИМАТОВ [бош редактор ўринбосари], Обид СОДИКОВ, Олим КУЖАЕВ, Сайд ШЕРМУҲАММЕДОВ, Комил ЯШИН, Муҳаммаджон ҮРОЗБОЕВ.

«Гулистон» — общественно-политический и литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана [на узбекском языке].


Корректор Т. БАХРОМОВ.

Техредактор М. ЕФИМОВА.

Адрессимиз: Тошкент, 47, Карл Маркс кўчаси, 30-й. Редакция телефонлари. Бош редактор — В-33520; Бош редактор ўринбосари — В-33590; Масъуль секретарь — В-33590; Ижтимоий-сийесий бўлим — В-33602; Адабиёт ва санъат бўлими — В-33519; Фан ва маданият бўлими — В-33519.

Босмахонага туширилди 11/XII-70 й. Босишга руҳсат этилди 21/I-71 й. Қоғози 70×108^{1/3}. Ҳажми 4 босма тобоқ. Буюртма 2804. Тиражи 172923. Р 09831. Баҳоси 30 т. Нашр. А 3565.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент.



«Кино» чайнворди

1. Виринчи ўзбек овозли фильм.
2. Фильм турларидан бирин. З. IX Ҳалқаро кинофестиваль ўтган шаҳар.
4. Қаҳрамонни гавдалантирувчи.
5. Фильмини яратувчи. 6. К. Ерматов фильмларидан бирин. 7. «Ингирма олтинчи отимасин» фильмининг бози қаҳрамони.
8. «Ваҳшийлар базими» фильмининг режиссёри.
9. IX Ҳалқаро кинофестивалда «Кўйдирилган ер» фильмни учун мукофотланган режиссёр.
10. Сатирик киножурнал.
11. «Кузак гуллари» фильмининг постановчачиси.
12. Фильмни мослаш жарабёни.
13. «Сен етим эмассан»да бош ролни ижро этган артист.
14. Совет киноларининг урущадан оддинги тинч ҳаётини ажо этирувчи кинокомедия.
15. С. Эйзенштейн, В. Пудовкин ва А. Довженко яратган фильмлардан бирин.
16. Кино қашғиётчиси.
17. Фильм беҳакчиси.
18. Собир Раҳимов рўлини ижро этган артист.
19. «Сагнам»да ишгирон этган артистка.
20. Л. Толстой асари асосида яратитган фильм.
21. «Сағиҳа» фильмининг режиссёри.
22. Ҳинд кино артисти.
23. «Ўзбекфильм» яратган овозлисий фильм.
24. М. Шолоҳов асари асосида яратитган фильм.
25. Виринчи ўзбек овозли фильмда Азим ролини ижро этган артист.
26. Наби Раҳимов «Ватан ўғлонлари» фильмда ижро этган роль.
27. «Қотилликда айланадилар» фильмининг бош оператори.
28. Ю. Райзман фильмни.
29. Наби Ганиев түғилган шаҳар.
30. «Ленфильм» кинотудиссининг режиссёри.
31. «Севишибандар» фильмининг сценарий авторларидан бирин.
32. Италиялик машҳур кинорежиссёр.
33. С. Эйзенштейннинг режиссёри.
34. «Ленин 1918 йилда» фильмда бош ролни ижро этган артист.
35. «Синчалак» фильмда Аббос Вакиров ижро этган роль.
36. «Уруш ва тинчлик» фильмда Лиза Болконская ролини ижро этган артистка.
37. СССР ҳалқ артисти.

Тузувчи Абдуазим АЛИМОВ

МУҶОВАЛАРДА. Виринчи беҳни рассом А. Корольев безаган. Иккичи бетда Тошкент Тўқимачилик комбинети ишларига фабрикасининг ишчиси, Низомийномидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг студенткаси Манзура Арслонова. Тўртинчи бетда: Чимнинг қорқалин тушди.

A. ВАНШТЕЙН фотолари



Самарқанднинг Регистон майдонида Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомийга ўрнатилган ҳайкал.

С. БЕЗНОСОВ фотоси

1971

ГУЛІСТОН

Январь

Душанба	4 11 18 25
Сешанба	5 12 19 26
Чоршанба	6 13 20 27
Пайшанба	7 14 21 28
Жума	1 8 15 22 29
Шанба	2 9 16 23 30
Якшанба	3 10 17 24 31

Декабрь

1 8 15 22 29
2 9 16 23 30
3 10 17 24 25
4 11 18 25
5 12 19 26
6 13 20 27
7 14 21 28

Март

Душанба	1 8 15 22 29
Сешанба	2 9 16 23 30
Чоршанба	3 10 17 24 31
Пайшанба	4 11 18 25
Жума	5 12 19 26
Шанба	6 13 20 27
Якшанба	7 14 21 28

Апрель

5 12 19 26
6 13 20 27
7 14 21 28
1 8 15 22 29
2 9 16 23 30
3 10 17 24 25
4 11 18 25

Май

Душанба	3 10 17 24 31
Сешанба	4 11 18 25
Чоршанба	5 12 19 26
Пайшанба	6 13 20 27
Жума	7 14 21 28
Шанба	1 8 15 22 29
Якшанба	2 9 16 23 30

Июнь

7 14 21 28
1 8 15 22 29
2 9 16 23 30
3 10 17 24 31
4 11 18 25
5 12 19 26
6 13 20 27

Июль

Душанба	5 12 19 26
Сешанба	6 13 20 27
Чоршанба	7 14 21 28
Пайшанба	1 8 15 22 29
Жума	2 9 16 23 30
Шанба	3 10 17 24 31
Якшанба	4 11 18 25

Август

2 9 16 23 30
3 10 17 24 31
4 11 18 25
5 12 19 26
6 13 20 27
7 14 21 28

Сентябрь

Душанба	6 13 20 27
Сешанба	7 14 21 28
Чоршанба	1 8 15 22 29
Пайшанба	2 9 16 23 30
Жума	3 10 17 24
Шанба	4 11 18 25
Якшанба	5 12 19 26

Октябрь

4 11 18 25
5 12 19 26
6 13 20 27
7 14 21 28
1 8 15 22 29
2 9 16 23 30
3 10 17 24 31

Ноябрь

Душанба	1 8 15 22 29
Сешанба	2 9 16 23 30
Чоршанба	3 10 17 24
Пайшанба	4 11 18 25
Жума	5 12 19 26
Шанба	6 13 20 27
Якшанба	7 14 21 28

Декабрь

6 13 20 27
7 14 21 28
1 8 15 22 29
2 9 16 23 30
3 10 17 24 31
4 11 18 25
5 12 19 26



Баҳоси 30 тийин.

Индекс: 75233